

Шайх Шомил Абу Идрис (Басаев)

Мужоҳид китоби

Рус тилидан "Sodiqlar" учун Абу Жунайд таржимаси

"Sodiqlar"

بِسْمِ اللَّهِ الرَّحْمَنِ الرَّحِيمِ

Муқаддима

Бизларни мусулмон қилиб яратган ва Ўзининг тўғри йўлидаги жиҳод билан неъматлантирган бутун оламлар Роббиси Аллоҳ Субҳанаҳу ва Таъолога ҳамду-санолар бўлсин!

Пайғамбаримиз Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи васаллам га, у кишининг оиласига, асҳобларига ва қиёматга қадар уларга эргашувчиларга дуруду-саломлар бўлсин!

Ундан сўнг:

Агар мен ёзган нарсанинг бирон-бири Қуръон ва Суннатга зид бўлса, мен ундан воз кечаман ва бу билмай қилган хатойим учун Аллоҳ мени кечирешини сўрайман.

Барча рус афсоналарига қарши

Бир мужоҳид жангоҳда жангчи.

Эркин яшаб ҳур ўлмоққа,

Аллоҳ насиб қил уни.

Шу йил март охирида кўлимда Пауло Коэльронинг «Дунё жангчисининг китоби» номли китобча ва компьютер бўлган

ҳолатда, менда икки ҳафта бўш вақтим чиқиб қолди. Бу китобдан мужоҳидлар учун фойдали бўлган анча қисмларни кўчириб, уларни оят, ҳадис ва саҳобалар ҳаётидаги воқеалар билан қувватладим. Мен бу китобни фақат Аллоҳнинг ризоси учун ва мужоҳидлар ўзлари ва жиҳод учун фойдалансинлар деган мақсад билан ёздим.

ЖИҲОД

Аллоҳ субҳанаҳу ва таоло айтади:

كُتِبَ عَلَيْكُمُ الْقِتَالُ وَهُوَ كُرْهٌ لَّكُمْ وَعَسَىٰ أَن تَكْرَهُوا شَيْئًا
وَهُوَ خَيْرٌ لَّكُمْ وَعَسَىٰ أَن تُحِبُّوا شَيْئًا وَهُوَ شَرٌّ لَّكُمْ وَاللَّهُ يَعْلَمُ
وَأَنْتُمْ لَا تَعْلَمُونَ ﴿٢١٦﴾

«Сизларга ёқмасида жанг қилишингиз фарз қилинди. (Зотан) сизлар ўзингиз учун яхши бўлган нарсани ёқтирмаслигингиз ва сиз учун ёмон бўлган нарсани яхши кўришингиз мумкин. Аллоҳ билур, сизлар билмассиз.» (Бақара, 216)

Жиҳод - бу, Аллоҳ калимасини олий қилиш ниятида бор куч ва қувватни Аллоҳ йўлида кофирларга қарши сарф қилиш ва бунда бевосита ўзининг иштироки ёки моддий ёрдами, ёки ярадорларни даволаш, ёки озиқ-овқат билан таъминлаш ёки фикр ва маслаҳат беришлик... орқалиамалга ошади.

Аллоҳ Таъоло айтади:

Шайх Шомил Абу Идрис: Мужоҳид китоби

﴿إِنَّ اللَّهَ اشْتَرَى مِنَ الْمُؤْمِنِينَ أَنْفُسَهُمْ وَأَمْوَالَهُمْ بِأَنْ لَهُمُ الْجَنَّةَ يُقَاتِلُونَ فِي سَبِيلِ اللَّهِ فَيَقْتُلُونَ وَيُقْتَلُونَ﴾

«Албатта, Аллоҳ мўминларнинг жонларини ва молларини улардан жаннат баробарига сотиб олди- улар Аллоҳ йўлида жанг қилишиб (кофирларни) ўлдирадилар ва (ўзлари ҳам Аллоҳ учун шаҳид бўлиб) ўлдириладилар.» (Тавба,111)

Росулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам айтдилар: «Дарҳақиқат, эртаю-кеч Аллоҳ йўлидаги кураш, дунё ва ундаги барча нарсадан афзал!» (Бухорий, Муслим)

МУЖОҲИД

Бу киши, Бутун Оламлар Роббиси Аллоҳ учун ўз моли ва жони билан жиҳодда фаол қатнашувчи ва ҳаётнинг асл моҳиятини тушуниб, ўз ақидаси учун охиригача курашувчи мусулмондир. Мужоҳид, мусулмон кишининг муҳим диний мажбурияти бўлган жиҳодни адо этганлиги учун Аллоҳнинг савобидан умидвор бўлади.

Робб Таъоло айтади:

﴿أَنْفِرُوا خِفَافًا وَثِقَالًا وَجَاهِدُوا بِأَمْوَالِكُمْ وَأَنْفُسِكُمْ فِي سَبِيلِ اللَّهِ ذَٰلِكُمْ خَيْرٌ لَّكُمْ إِنْ كُنْتُمْ تَعْلَمُونَ﴾

«(Эй мўминлар), ҳоҳ енгил, ҳоҳ оғир ҳолатингизда (яъни, истасангиз, истамасангиз жиҳодга) чиқингиз ва молу жонларингиз билан Аллоҳ йўлида курашингиз! Агар билсангизлар, мана шу ўзларингиз учун яхшироқдир.»

(Тавба, 41)

Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васаллам айтганлар:
« Мужоҳид-бу, ўз нафси-ҳавоси билан курашувчи кишидир.»
(Термизий, Аҳмад)

Мужоҳид тавҳидни ушлайди ва ширкни рад этади.

Ҳаққа ёндашади ва кизбни рад қилади.

Адолат билан иш юритади ва ноҳақлику жабр-ситамни рад қилади.

Тўғрилиққа ҳаракат қилиб, хиёнатни рад қилади.

Садоқатга ёндашади ва макрни ёмон кўради.

Ота-онага яхшилик қилади ва уларга оқ бўлишдан сақланади.

Силаи- Раҳм алоқаларини ушлаб, уларни узмайди.

Кўни-кўшничилик ҳаққини адо қилиб, кўшниларга зулм қилмайди.

Мужоҳид ҳусни-ҳулқга ҳаракат қилади ва ҳар қандай разилликни рад этади.

Мужоҳид, дунёга қайғу-аламсиз кўзлар билан қаровчи ёш болаларнинг кўзларига назар солади. Ва ёнидаги кишининг ишончли эканлигини билиш учун, уни ёш боланинг кўзи

Шайх Шомил Абу Идрис: Мужоҳид китоби

билан кўришга интилади. У ҳеч вақт, узоқ асрлар давомида барпо қилиниб келаётган нарсаларни эътиборидан четда қолдирмайди ва бу алоқаларнинг қанчалик мустаҳкамлиги ва вақт уларнинг олдидан ожиз эканлигини ёдидан чиқармайди.

Мужоҳид фоний билан боқий нарсаларни ажрата билади.

Ҳар бир мужоҳид жанг олдидан кўрқувни ҳис қилган.

Ҳар бир мужоҳидга ўтмишда ёлғон гапиришга ва хиёнат қилишга тўғри келган.

Ҳар бир мужоҳидга ўзга йўлларда юришга тўғри келган.

Ҳар бир мужоҳид арзимас нарсалар деб қийналган.

Ҳар бир мужоҳидга, у мужоҳид эмас деган фикр келган.

Ҳар бир мужоҳид ўз бурчини ўташлиқдан бош тортишига тўғри келган.

Ҳар бир мужоҳидга «йўқ» дейишни истасада, «ҳа» дейишга тўғри келган.

Ҳар бир мужоҳидга яхши кўрадиган кишиларига азиятлар етказишга тўғри келган.


Мана шу сабабли ҳам, бу барча ҳолатларни бошидан кечиргани учун ҳам у мужоҳид деб номланишга ҳақлидир ва у аввалгидан кўра яхшироқ бўлишга бўлган умидини йўқотгани йўқ.

Мужоҳид душманлар унинг иймонини, жасоратини, саботини, муаммоларни ҳал қилиш қобилиятини ва сабрини имтиҳон қилиб, синашлик учун мавжуд эканлигини билади.

Ва душманлар Аллоҳ субҳанаҳу ва таоло олдидаги ўз бурчини бажариши учун уни жанг қилишга мажбур қилишади.

1. Эзгулик.

Аллоҳ Таъоло айтади:



«Қаноаи яхшилик қилсангиз, шубҳасиз Аллоҳ уни билгувчидир.»(Бақара, 215)

Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васаллам айтганлар: «Дарҳақиқат, Аллоҳ Латифдир ва У эзгуликни яхши кўради ва унинг эвазига на қаттиққўллик ва на бошқа нарса учун бермайдиган мукофотни беради.» (Муслим)

Мужоҳид яхшиликни эсидан чиқармайди. Жангда унга фаришталар ёрдам беради; самовий кучлар у ўзини энг яхши суъратда кўрсатиши учун барча шароитларни унга муҳайё қиладилар.

Жаброил (а.с.) Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи васаллам га: « Эй Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи васаллам қанча ҳоҳласангиз яшанг, аммо барибир ўласиз; кимни ҳоҳласангиз яхши кўринг, барибир ундан ажраласиз; нима қилсангиз қилинг, барибир ҳаммаси учун сўраласиз.»

Биродарлари унга: « Унинг омадини қаранг!», дейдилар. Баъзида мужоҳид инсонларнинг кучи етмайдиган ишларни қилишга қодир бўлади. Ва шу сабабли сажда қилиб, Аллоҳнинг марҳамати ва ёрдами учун Унга ташаккур айтади. Мужоҳиднинг миннатдорчилиги фақат руҳоний мавқеда эмас;

Шайх Шомил Абу Идрис: Мужоҳид китоби

у жангоҳларда бирга қон тўккан биродарларини ҳеч вақт эсидан чиқармайди. Бошқалар тарафидан кўрсатилган ёрдамни мужоҳидга эслатишнинг ҳожати йўқ; у доим буни ёдида сақлайди ва у кишилар билан ўз муқофотларини улашади.

Аллоҳ Таъоло айтади:

﴿فَمَنْ يَعْمَلْ مِثْقَالَ ذَرَّةٍ خَيْرًا يَرَهُ﴾

«Бас, ким (ҳаёти-дунёдалик пайтида) зарра мисқоличалик яхшилик қилса (Қиёмат кунида) ўшани кўрур.» (Зилзила, 7)

2. Таълим.

Аллоҳ Таъоло Ўз китобида айтади:

﴿وَقُلْ رَبِّ زِدْنِي عِلْمًا﴾

«...ва айтинг: «Парвардигорим, илмимни янада зиёда қилгин!» (То Ҳа, 114)

Мужоҳид доим таълим олади. У доимо камолотга ҳаракат қилади. Унинг душманга қилган ҳар бир зарбаси орқасида – юз йиллик ҳикмат ва тафаккур ётади. Ҳар бир зарба ўзида куч ва ўтган мужоҳидларнинг чаққонлигини мужассам қилиши керак. Унинг ҳар бир ҳаракати, ўтган авлодлар ҳозирги

мужоҳидлар учун етказишга уринган ҳаракатларни инобатга олгандир.

Шогирд устозига: « Мен камонни тортган пайтим, шундай бир лаҳза келадики, бир нарса маълум бўлади: агар мен ҳозироқ камоннинг торини қўйиб юбормасам, ўз қатъиятимни йўқотиб қўяман», дейди.

«Тоинки сен ўқ узиш лаҳзасини фикран тўғрилашни бас қилмас экансан, камондан ўқ узиш санъатини ўзлаштира олмайсан. Баъзида, ўқнинг хато кетиши отувчининг ҳаддан зиёд қизиққонлиги ва ўта тез ғайрати сабабли бўлади», - дейди устози.

Росулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам айтганлар: « Илмидан сўралганда илмни яширган кишини Қиёмат кунида оловли юган билан юганланади.» (Термизий)

Мужоҳид, ҳар бир қадами, ҳар бир ҳаракати душман зиёни ва мусулмонлар фойдасига бўлган саҳобалар ҳаётидан ўғит олади. Бунга Жаъфар ибн Абу Толибнинг (р.а.) Мўъта жангидаги ҳаракати ёрқин мисол бўла олади. Шиддатли жанг бошланиши билан мужоҳидларнинг амири Зайд ибн Ҳориса (р.а.) мардларча шаҳид бўлди. Шу заҳоти ўзининг оқ отидан сакраб тушган Жаъфар (р.а.) отининг оёғига қилич урди (душман ундан фойдаланмаслиги учун) ва амирнинг байроғини ўзининг «қанотли» қўлларига олди.

Мужоҳид ўз зарбаларининг чиройини такомиллаштириб боради.

Мужоҳид қуролини яланғочласа уни керакли ўринда, мақсадга мувофиқ ишлатади.

Шайх Шомил Абу Идрис: Мужоҳид китоби

«Сабабсиз чиқарма, ишлатмай жойлама!»-деб ёзилади чечен ханжарларига.

У қурол билан йўлни очиши, кимгадир ёрдам бериши, таҳдид солаётган нарсани узоқлаштириши мумкин, аммо қурол инжиқ ва уни бемақсад яланғочлашни ёқтирмайди. Ва шу сабабдан мужоҳид ҳеч вақт дўқ урмайди. У ҳужум қилиши, ҳимояланиши, чекиниши мумкин, буларнинг барчаси жангнинг таркибий қисмларидир. Олдиндан зарба билан мақтаниш – унинг кучини бекорга йўқотиш демакдир, ва бунинг жангга ҳеч қандай алоқаси йўқ.

Мужоҳид қуролнинг ҳаракатини синчковлик билан кузатади. Лекин бирон дақиқа, қурол ҳам унинг ҳатти-ҳаракатларини кузатаётганини эсидан чиқармайди.

Мужоҳид янги бир нарсани ўзлаштиришга доим тайёр туради.

Робб Таъоло айтади:

إِنَّمَا يَخْشَى اللَّهَ مِنْ عِبَادِهِ الْعُلَمَاءُ

«Аллоҳдан бандалари орасидаги олим-билимдонларигина қўрқур». (Фотир, 28)

3. Тажриба.

Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васаллам айтдилар: «Мўмин киши ўзини бир тешиқдан икки бор чақтирмайди». (Бухорий, Муслим)

Жангда олинган тажриба мужоҳиднинг руҳини мустаҳкамлайди. Мужоҳид фақат ўз кучига ишонмай, балки рақибининг энергиясидан фойдаланади. У жангга фақат завқу-шавқ ва кўпдан бери ўрганиб келган зарба бериш ва уни қайтариш санъати билан қуролланган ҳолда киради. Аммо кейин, на завқу-шавқ, на маҳорат ғалаба учун етарли эмаслигини, балки тажриба ҳам кераклигини тушуниб етади.

Ва шунда у душманининг ҳар бир зарбаси унга ҳимоя илмидан янги сабоқ бўлиши учун Аллоҳдан ақл-идрок ва тавфиқ сўрайди.

«У хурофий урф-одатларга тўла, жангни тўхтатиб намоз ўқийди; душманга эса худди шу керақдир»,--дейди унинг ҳамроҳлари. Мужоҳид бу масхараомуз гапларга эътибор бермайди, зеро у ғайрат ва тажрибасиз ҳар қандай таълим бекор эканлигини билади. Мужоҳид ўтмишдаги хатоларини такрорламайди ва у фақат арзигудек нарса учунгина ўзини хавф остига қўяди.

Мужоҳид ҳеч кимни бефаросат ҳисобламайди ва ҳаёт ҳар бир кишига таълим бериб қўйиши мумкинлигини билади.

Мужоҳид баъзи бир ҳолатлар яна қайтиб келиши мумкинлигини билади.

Кўпинча у бир вақтлар босиб ўтган қийинчиликларга дуч келади ва бир вақтлар шараф билан чиқиб кетган мураккаб ҳолатга тушиб қолади ва бу унинг руҳига таъсир қилади: унга, агар ҳар бир нарса такрорланаверса худди олдинга юрмай бир жойда тургандек туюлади.

«Мен ахир бундан ўтган эдимку»,--деб ўз қалбига нолийди.

Шайх Шомил Абу Идрис: Мужоҳид китоби

«Ўтгансан, аммо бутунлай ўтмагансан»,-деб қалби жавоб беради.

Ва шунда мужоҳид, Аллоҳ уни Ўзининг тўғри йўлида синаб, бирданига ўзлаштирмақчи бўлган нарсасини таълим бериш мақсадида у босиб ўтган ҳолатни яна қайтадан юбораётганини тушуниб етади.

4. Ҳийла

«Уруш бу ҳийладир!»,- деганлар пайғамбар соллаллоҳу алайҳи васаллам .

Мужоҳид Умар (р.а.)нинг Саъд ибн Абу Ваққосга айтган сўзларини ёдида сақлайди: «Мен сенга ва аскарларингга доимий тақвони васият қиламан, чунки тақво душманга қарши энг яхши қурол ва жангдаги энг яхши ҳийладир».

Мужоҳид ҳеч вақт макр қилмайди, лекин душманни чалғитиб, гангитиб қўя олади. Ғалабанинг иштиёқи унинг қалбини қанчалик пармаласа ҳам, ўйлаган мақсадга етишлик учун у ўйин қилишдан хазар қилмайди ва бунда моҳир лашкарбошига айланади. Ўз кучининг тугаётганини сезиб, душманни, худди у ҳеч қаерга шошмаяпти деб ўйлашга мажбур қилади. Ўнг томонни ҳужумга тутмоққа ҳозирланиб, ўз қўшинларини чап тарафга бошлайди. Зудлик билан жангга киришга тайёрланиб, ўзини худди уйқу босиб , ухлашга ҳозирланаётгандек қилиб кўрсатади. «Қаранглар, унинг жанговор руҳияти қанчалик тушиб кетди»,--дейди дўстлари. Бироқ мужоҳид уларнинг танбехларига эътибор бермайди, зеро ҳатто дўстлари ҳам, у жангда қўллайдиган ҳийла ва найрангларни билмайдилар.

Мужоҳид нимани хоҳлашини билади.

5. Маҳорат

Аллоҳ Таъоло айтади:

مِنْكُمْ وَالَّذِينَ أُوتُوا الْعِلْمَ دَرَجَاتٍ
يَرْفَعُ اللَّهُ الَّذِينَ آمَنُوا

«Аллоҳ сизлардан иймон келтирган ва илм ато этилган зотларни (баланд) даража мартабларга кўтарур.» (Мужодада,11)

Мужоҳид гоҳида йўлида учраган тўсиқларни айланиб оқиб ўтувчи жилдираган сувга ўхшайди. Шундай ҳам бўладики қаршилиқ кўрсатиш аниқ ҳалокатга олиб келади, ана шунда мужоҳид баъзи шароитларга мослашиб олади. Шикоят ва нолишсиз тоғ даралари бўйлаб чўзилиб кетган тошлиқ сўқмоқ билан ҳаракат қилади. Ва унинг кучи сувнинг кучига ўхшайди, зеро ҳеч ким сувни болға билан парчалаб, пичоқ билан кеса олмаган. Дунёдаги энг зўр шамшир ҳам, сувнинг юзасида бирон бир чандиқ қолдиrolмайди. Дарё сувлари йўлнинг хусусиятларига мослашиб кетаверади, аммо энг катта мақсад -- денгизга қўшилишга ҳаракат қилади. Заиф жилға бошқа жилғалар билан қўшилиб аста секин қувват тўплайди. Ва шундай вақт келадики сувнинг қувватини тўсиб бўлмай қолади.

Абу Бакр (р.а.) Язид ибн Абу Суфёнга: «Мен сени синаб кўриш учун лашкарбоши қилиб тайинладим, агар яхши бошқарсанг, шу лавозимда қолдираман, агар уддалай олмасанг бўшатаман. Тақво қил, чунки Аллоҳ сенинг зоҳирингни қандай кўрса ботинингни ҳам шундай кўради.

Шайх Шомил Абу Идрис: Мужоҳид китоби

Аллоҳга энг яқин киши Унга ўз солиҳ амаллари билан яқинлашувчи кимсадир.

Мен сени Ҳолиднинг ўрнига тайинладим, сен жоҳилий ғурурни ташла, чунки Аллоҳ уни ва мутакаббирларни ёмон кўради. Қўшин олдига келганингда уларга яхши муомалада бўл. Яхшилик қил ва уларга ҳам уни васият қил. Насиҳат қилсанг кўп гапирма, чунки гап кўп бўлса, бири бошқасини эсдан чиқаради. Ўзингни ислоҳ қил—бошқалар ҳам ислоҳ топади. Намозларни ўз вақтида, руку ва саждаларини мукаммал ҳолда хушуъ ва хузуъ билан бажар. Агар душман элчилари келса уларни ҳурмат қил, аммо лашкаринг ҳақида ҳеч нарса билмай чиқиб кетишлари учун уларни кўп вақтга қолдирма. Кўп қолиб кетсалар сенинг заиф томонларингни ва сирларингни билиб оладилар. Уларга лашкарингнинг энг кучли томонини кўрсатгин. Улар билан бошқаларнинг гаплашишига йўл қўйма, фақат ўзинг мулоқот қил.

Насиҳат қилсанг самимий бўл. Кечалари ҳамроҳларинг орасида бедор бўл, кўп нарса билиб оласан ва сенга баъзи пардалар кўтарилади. Соқчиларни кўпайтир ва қароргоҳ атрофида жойлаштир. Уларнинг хузурига тўсатдан, қоровуллик хизматида ухлаган вақтларида ташриф буюр, ундай кишини қаттиқ огоҳлантир, жазола, аммо жуда қаттиқ эмас. Ким айбдор бўлса, уни жазолашдан чўчима, лекин шошқалоқлик қилма. Аскарларни назоратсиз қолдирма, акс ҳолда бузилиб кетадилар ва аммо улар орқасидан жосуслик қилмаки, уларни уялтириб қўясан. Инсонларнинг айбларини ошкор қилма. Уларнинг зоҳири билан қаноатлан. Бекорчилар билан ўтирма, ишончли, содиқ кишилар билан ўтир. Қўрқоқлик қилма, акс ҳолда бошқалар ҳам қўрқоқлик қилади. Ғаниматга хиёнат қилма, чунки бу муҳтожлик келтиради ва нусратни кўтаради. Агар ибодатхоналарга ўзини боғлаган роҳибларни кўрсангиз, уларни ўз ҳолларига қўйинглар».

Умар (р.а.) лашкар сонини моҳир қўмондоннинг кучи билан тўлдирад эди.

Мужоҳид бир вақтнинг ўзида ҳам сабрли, ҳам эпчил бўлиши зарур.

Донишмандлар айтади: «Тушиб қолган ҳолатинга қараб, бор кучингни мужассам қил ёки сочиб юбор».

Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи васаллам жиҳодга отлансалар, душманга мақсадларини билдирмаслик учун унинг вақти ва йўналишини сир тутар эдилар.

Иккита энг асосий стратегик хато мавжуд, яъни қулай фурсат келмасдан туриб шошқалоқлик қилиб ҳаракат қилиш ёки имиллаб бу фурсатни қўлдан бой бериш. Бу иккисига тушиб қолмаслик учун, мужоҳид ҳар бир фурсатни ўзига хос ва ягона деб ҳисоблайди ва умумий формула ва тайёр режалардан кўр-кўрона фойдаланмайди.

Амр ибн Ос (р.а.) : «Чекиниш йўлларини аввалдан ўрганмасдан туриб, бир ишга қўл урмадим. Аммо ҳеч вақт бир ишга киришиб, шу заҳоти шитоб билан қочишга уринмадим.» , деган эканлар.

Стратегик маҳорат ҳақида хитой донишмандининг сўзи: «Душманни, сенга ҳамла қилиб оз мунча нарсага эришади деб ишонтир, шунда унинг жанговор ғайратини сустлаштирасан. Агар душман кучли эканлигини англасанг, жанг майдонини унга ташлаб кетишдан уялма, зеро бир тўқнашувнинг натижаси эмас, балки урушнинг охири эътиборлидир.

Агар кучинг етарли бўлса, қалбаки уятни тарк этиб, ўзингни заиф қилиб кўрсат; бу душманни қулай фурсат

Шайх Шомил Абу Идрис: Мужоҳид китоби

топмай, эҳтиёткорликсиз сенга ҳужум қилишга мажбур қилиб қўяди. Душманни ғафлатда қолдириш, бу жангдаги ғалабанинг гаровидир».

Мана бу эса хитой донишманди Чжуан- Цзининг уч минг йил аввал душман билан олишувнинг қоидаси:

«Ишонч: жангга киришдан аввал, уни нима учун қилаётган нарсанга ишонишинг керак.

Сафдош: ўзингга шерик иттифоқдош танлашни ва улар билан елкама елка туриб курашишни ўрган, зеро ҳеч ким урушда якка ўзи енга олмайди.

Вақт: ҳақиқий жангчи, қишдаги жанг, ёзда бўладиган жангдан фарқ қилишини ёдида тутлади. Жангга киришдан аввал, у доим қулай фурсат танлайди.

Жанг майдони: текисликда жанг қилган каби тоғда жанг қилиб бўлмайди. Атрофингдаги барча нарсани ҳисобга ол ва энг яхши уруш усулини танла.

Маҳорат: энг яхши жангчи, жанг йўсинини кўра билиб уни тайёрлай билади.»

6. Камчиликлар

Аллоҳ Таъоло айтади:

وَأَسْتَغْفِرُ لَذَنبِكَ وَالْمُؤْمِنِينَ وَالْمُؤْمِنَاتِ

«...ва ўз гуноҳингиз учун ҳамда мўмин – мўминалар(нинг гуноҳлари) учун мағфират сўранг».
(«Муҳаммад»,19)

Мужоҳид, биринчи имкониятнинг ўзида ўзини ёмон томондан кўрсатишга ҳаракат қилган кўпчилик инсонларни учратган. Улар жанговор ғайратнинг орқасида ўзининг ички заифликларини беркитадилар; мустақиллик ниқоби остида ёлғизлик кўркувини яширадилар. Улар ўз имкониятларига ишонмайдилар, аммо ҳар бир бурчақда риёкорона ўзларининг фазилат ва ҳимматлари ҳақида бонг урадилар.

Мужоҳид ўзи таниган эркак ва аёлларда шу сифатларни кўради. Лекин ҳеч вақт алдовга алданмайди, биринчи таассуротга берилмайди, ва агар уни қизиқтирмақчи ёки ажаблантирмақчи бўлсалар, қунт билан сукут сақлайди. Лекин доимо ўзининг камчиликларини ислоҳ қилиш учун ҳар қандай қулай фурсатдан фойдаланади, зеро кўзгуда кўргандек ўз аксини бошқа кишиларда кўради.

Аллоҳ Таъоло айтади:

إِنَّ اللَّهَ لَا يُغَيِّرُ مَا بِقَوْمٍ حَتَّىٰ يُغَيِّرُوا مَا بِأَنفُسِهِمْ

«Аниқки, то бирон қавм ўзларини ўзгартирмагунларича Аллоҳ уларнинг аҳволларини ўзгартирмас». («Раъд»,11)

7. Мубориза

Аллоҳ Таъоло айтади:

فَأَسْتَبِقُوا الْخَيْرَاتِ

«...бас, яхши ишларга шошилингиз.» («Бақара»,148)

Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи васаллам айтдилар: «Банда то ўз биродарига ёрдам берар экан, Аллоҳ ҳам унга ёрдамини узмайди».

Ўз дўстларини муҳофаза қилувчи инсон, турмушдаги машаққатлар олдида сесканмайди ва доимо қийинчиликларни енгиб ўтиш ва илгари ҳаракат қилиши учун ўзида куч топа олади.

Мужоҳид гоҳида яхши кўрган кишиларига қарши чиқади.

У ўз атрофига қарайди ва биродарларини топиб олади. У орқага қарайди ва ўз душманларини аниқлайди. У хиёнатга беаёв. Аммо ҳеч вақт хиёнат қилиш билан қасос олмайди – у фақат улар билан кўп тортишмай, ўз ҳаётидан хиёнатчиларни чиқариб ташлайди.

Мужоҳид нимага қодир эканлигини билади ва унга ўз фазилатлари ва ҳимматлари билан мақтанишга ҳожат йўқ. Мужоҳид ўз кунларини бошқалар унга тайёрлаб қўйган (ролни ижро этиш) тимсолни акс эттириш учун ўтказмайди.

Мужоҳид учун «яхшироқ» ёки «ёмонроқ» деган тушунчалар йўқ, зеро унинг қараши бўйича ҳар ким тўғри

йўлда юриш қобилиятига эга. Лекин кўпчилик кишилар буни истамайди. Улар уни ҳақорат қилишни ёки нафсониятига тегишни, уни жанжалга чақиришни, хуллас нима бўлса ҳам уни ўздан чиқаришга ҳаракат қиладилар. Ва ана шундай дақиқаларда қалби унга: « Ҳақорат ва дашномларга эътибор берма, улар сенинг қобилиятларингни сусайтирмайди. Сен бекорга кучингни йўқотасан», деб далда беради.

Мужоҳид бундай чақирувга жавоб бериш билан ўз вақтини бекор кетказмайди, чунки, нимаки Робб Таъоло тарафидан ёзилган бўлса, албатта содир бўлишини билади.

8. Тактика

Аллоҳ Таъоло айтади:

وَقُلِ اعْمَلُوا فَسَيَرَى اللَّهُ عَمَلَكُمْ وَرَسُولُهُ وَالْمُؤْمِنُونَ

«Айтинг: « (Хоҳлаган) амални қилинглар. Бас, Аллоҳ, унинг пайғамбари ва мўминлар қилган амалларингизни кўриб турар».(Тавба ,105)

Оқибатига кўп нарса боғлиқ бўлган жангга киришдан олдин мужоҳид ўзига савол беради: « Агар мен ўзим билан курашишга мажбур бўлганимда нима иш қилган бўлар эдим? Мен ўзимда эпчиллик ва уддабуронликни кўпайтиришга қанчалик қодир бўлдим?». Ва шу билан ўзининг заиф томонларини аниқлайди. У ўтган жангларнинг ҳар бири нимани бўлса ҳам унга таълим берганлигини билади. Лекин шу билан бир қаторда бу жангларнинг ўгити мужоҳидни керагидан ортиқча жафо чекишига сабаб бўлган.

Шайх Шомил Абу Идрис: Мужоҳид китоби

Жанг бошланишидан олдин мужоҳид ҳар қандай кутилмаган ҳолатларга тайёр бўлишга ҳаракат қилади. У доим душманга биринчи бўлиб ҳамла қилишга ва бу билан унга ўзининг жанг режасини қабул қилдиришга ҳаракат қилади. Вақтики, душман мужоҳидга нисбатан куч ва аслаҳа бўйича анча устун бўлганда, у ўзининг шарафли ота - боболарининг тактикасини – «ари тактикаси»ни қўллайди. Худди ариларга ўхшаб мужоҳидлар душман атрофида доимий равишда айланиб, имконият етган жойларда, заиф бўлса ҳам, аммо сон – саноксиз ва тўхтовсиз зарбалар берадилар. Бунинг натижасида душман қаттиқ чарчаб холсизланади ва аста – секин зарбалар сон жиҳатдан сифатга айланиб боради.

Умар ибн Форуқ (р.а.) Саъд ибн Абу Ваққос (р.а.)га: « Мен сенга ва аскарларингга душмандан кўра, гуноҳларингиздан кўпроқ кўрқишга буюраман. Чунки кўшиннинг гуноҳи, улар учун душманга нисбатан хавфлироқдир. Душманларнинг Аллоҳ олдидаги гуноҳлари сабабли мусулмонлар ғалаба қозонадилар. Агар бундай бўлмаганда, биз уларни енга олмас эдик, чунки сонимиз, уларнинг сонидан оз, қуролимиз уларнинг қуроли каби эмас. Агар бизлар гуноҳ бўйича улар билан баробар бўлсак, улар кучда биздан устун бўладилар. Биз эса уларни ўз салоҳиятимиз билан енгамиз.

Ва сизлар билан бирга бу сафарда сизларни кузатиб турувчи Аллоҳнинг фаришталари бўлишини унутманг. Улардан уялинг. Аллоҳнинг йўлида бўлган ҳолатда гуноҳ қилманг. Ва, «Душманимиз биздан кўра ёмон, улар бизни енга олмайди», деманглар, зеро баъзан бир қавмни ундан ёмонроқ қавм бошқариши мумкин. Худди яҳудийлар Аллоҳнинг ғазабини келтиргандан сўнг уларга мушриклар ҳукмрон бўлгани каби.

Душманнинг устидан ғалабани сўраганингиз каби, Аллоҳдан ўз инжиқликларингизга қарши ҳам ёрдам сўрангиз. Юриш мобайнида мусулмонларга юмшоқ муомалада бўл. Ҳар ҳафтада бир кун дам олиш кунин бер. Битим тузилган ва зиммийлар бўлган қишлоқлардан узоқда бўл. У ерга фақат энг ишончли кишиларни юбор. Душманни енгил учун битим тузилган кишиларга нисбатан адолатсизлик қилма. Душман ерига кирсанг, маълумот олиш учун кузатувчиларни юбор. Ҳузурингда маҳаллий аҳолидан бўлган, сенга содиқ ва ишончли кишилар бўлсин. Чунки ёлғончидан гоҳида у тўғри гапирса ҳам фойда йўқ. Ёлғончи фойданга эмас, зараринга ишлайди.

Тез – тез жанговор сариялар юбориб тур. Бу сариялар учун ақлли, синалган кишиларни танла. Уларга яхши отлардан бергин. Уларни хавфи муқаррар бўлган жойларга юборма! Ён атрофни ва маҳаллий аҳолини ўрган. Агар душманни кўрсанг барча қўшинни, сарияю –гуруҳларни тўпла. Бор кучингни жамла, то мажбур бўлмагунча рўбарома рўбара жангни бошлама. Аввал душманни ўрган. Душманнинг заиф томонини топсанг у ерга зарба бер. Душман сенга қандай иш тутса, сен ҳам шундай иш тут. Қўшинингни яхши муҳофаза қил, эҳтиёт бўл, яна кечкурун сизларга ҳужум қилишмасин. Асирни бошини узиб ташламасдан қўйиб юборма, бу билан Аллоҳнинг ва сизларнинг душманларингиз кўрқсин. Аллоҳ сенга ва сен билан бўлганларга кифоя қилгувчидир. Аллоҳ - душман устидан ғалаба берувчи ва ёрдам сўраладиган зотдир.»

Мужоҳид доимий равишда бутунлай мадорсиз ва бутунлай таранг ҳолда яшаб бўлмаслигини билади. У ўзини, нишонга текказишлик учун камонининг канопини тортиши керак бўлган камончига ўхшатади. У, от тўсиқларни сакраб ўтишлик учун барча мушакларини таранг қилишига эътибор

Шайх Шомил Абу Идрис: Мужоҳид китоби

беради. Аммо у таранглашиш билан бекорчи ҳовлиқишни ажрата олади ва ҳеч вақт уларни бир бири билан чалкаштирмайди.

У биладики, оху ўз оёқларининг чаққонлиги билан кучлидир, балиқчи қуш чайка эса балиқни зийрак кўзлари билан кўриб, уни сувдан бехато чангаллаб олиши билан кучлидир. Мужоҳид, йўлбарс гиенадан кўрқмаслигини билади, чунки йўлбарс ўз қувватига ишонади. Шунда мужоҳид нимасига ишониши мумкинлигини таҳлил қилиб, кўздан кечиради. Ва у ўз қурол- аслаҳасини текширади, у эса уч нарсадан: Аллоҳга бўлган иймон, Унинг раҳматига бўлган умид ва Исломга бўлган муҳаббатдан ташкил топгандир. Агар ҳам биринчиси, ҳам иккинчиси, ҳам учинчиси бўлса, мужоҳид ҳеч иккиланмай ўз йўлини давом эттиради.

Ахир Аллоҳ Таъоло Қуръонда айтадику:

وَكَانَ حَقًّا عَلَيْنَا نَصْرُ الْمُؤْمِنِينَ

«...ва иймон келтирган зотларни ғолиб қилиш бизнинг зиммамиздаги ҳақдир.» (Рум,47)

9. Сабот

Аллоҳ Таъоло айтади:

وَلَنبَلِّغَنَّكُمْ حَتَّىٰ نَعْلَمَ الْمُجْتَهِدِينَ مِنْكُمْ وَالصَّابِرِينَ وَتَبَلَّوْا
أَخْبَارَكُمْ

«Албатта биз,то сизларнинг орангиздаги (бизнинг йўлимизда молу жонлари билан) жиҳод қилгувчи ва (яхши,ёмон кунларда) сабр қилгувчи зотларни

билгунимизча, сизларни имтиҳон қилурмиз».
(Муҳаммад,31)

Мужоҳид «Матонат фойдалидир!» деган иборани ёдида тутуди.

У ўжарлик билан матонат бошқа бошқа нарса эканлигини билади. Шундай вақтлар бўладики, керагидан ортиқча давом этувчи жанглар куч – қувватни кетказиб, завқу – шавқни йўқотади. Шунда мужоҳид тактикани ўзгартиради. Қаршилиқ қилиш қобилияти тез орада тугашини тушуниб, у жангдан чиқади ва ўзига дам беради. У ўз мақсадини рўёбга чиқаришда саботлидир ва қулай фурсатни топиб, яна янги ҳужум қила олади.

Мужоҳид доим кураш майдонига қайтади, аммо ўжарлиги туфайли эмас.

Мужоҳид Бенъённинг сўзларини ёдида сақлайди: «Шундай вақтлар бўлдики, мен кимнингдир мардлиги ҳақидаги ҳикояларни эшитар эдим. Шундай вақт бўлдики, мен шунчаки яшашим кераклиги учун яшадим. Ҳозир эса мен жангчи эканлигим ва умрим бўйи У учун курашган зот қаршисида бир кун келиб туришлик учун яшаяпман.»

10. Азоб – уқубатлар

Аллоҳ Таъоло айтади:

وَمِنَ النَّاسِ مَن يَشْرِي نَفْسَهُ ابْتِغَاءَ مَرْضَاتِ اللَّهِ وَاللَّهُ رَءُوفٌ

بِالْعِبَادِ ﴿٢٠٧﴾

Шайх Шомил Абу Идрис: Мужоҳид китоби

«Одамлар орасида Аллоҳ ризолиги йўлида ўз жонини берадиган зотлар ҳам бор. Аллоҳ бандаларига ғамхўр, меҳрибондир». (Бақара, 207)

Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи васаллам айтганлар: «Мусулмонга нима етса ҳам, чарчоқми, узоқ касалликми, қўрқув, қайғу, ғам- ғуссами ёки ҳатто майда зирапча кирса ҳам, Аллоҳ бунинг эвазига унинг гуноҳларини кечиради». (Бухорий, Муслим)

Мужоҳидлар кўзларидаги нурни сўндирмасликка ҳаракат қиладилар. Улар шу дунёда яшайдилар, улар бошқа одамлар билан муомалада бўладилар, улар очиқ чеҳра билан йўлга тушадилар. Кўпинча уларни қўрқув безовта қилади. Гоҳида улар хато қиладилар, Арзимас нарсалар учун азоб тортадилар, бесаранжон бўладилар, ва гоҳида ўзларини комил инсон бўла олмайман деб ҳисоблайдилар. Кўпинча улар ўзларини неъмат ва каромат берилишига нолойиқ деб ишонадилар. Ҳар доим ҳам ўз кучларига ишонмайдилар. Ва ниманидир нотўғри қилдим дея азоб тортиб, кечалари ухламай чиқадилар. Аммо мужоҳидлар доимо хотиржамлик ва қувватни намоздан қидирадилар.

Мужоҳид ўзига нисбатан қилинган адолатсизликни хис қилиб, азоб чекаётганини ҳеч ким кўрмаслиги учун якка ўзи, танҳо қолишга ҳаракат қилади. Бу эса ҳам яхши, ҳам ёмондир. Бир тарафдан етказилган жароҳатларни даволашни ўз қалбига топшириш бўлса, ва аксинча – бошқалар олдида ўзининг заифлигини кўрсатишдан қўрқиб, кунни чуқур мулоҳазалар билан ўтказиш бошқа нарсадир.

Аммо, қачон шундай ҳолат юзага келса, у сукут сақлаб жимиб қолади ва гапиришга куч сарф қилмайди, зеро гап фойда бермайди. Ундан кўра у учун сабр қилиб ва сен ноҳақ жафо чекаётганингни Аллоҳ Таъоло кўриб турганини ва бу

билан сени имтиҳон қилаётганини ёдингда сақла деб, ўзига далда беради.

Мужоҳид: «Эй Роббим! Сен барчасини кўриб турибсан! Ҳаммаси сен учун! Ва менинг мукофотим Сенинг ҳузурингда!» деб нола қилади.

Ва Аллоҳ Таъоло мужоҳидга у ҳаммадан кўра кўпроқ муҳтож бўлган нарсани, - вақтни беради, ва агар у сабр қила олса, эртами кечми ҳамма нарса унинг фойдасига ҳал бўлади.

Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васаллам айтганларидек: «Мазлумнинг дуосидан кўрқинглар, чунки у билан Аллоҳнинг ўртасида парда йўқдир».

Мужоҳидга қайғу ва маюслик танишдир. Гоҳида унга қалбида ўзи истаган илҳомланиш ҳиссиётини уйғотишга кучи етмайди деб туюлади. Тўхтовсиз кеча ва кундуз анча вақт у эзилган ҳолатда қолишга мажбур бўлади, ва ҳеч қандай янги ҳодиса унга аввалги завқу шавқ, ғайратни қайтара олмайди.

«Унинг кураши тугади», дейди дўстлари.

Мужоҳидга бундай сўзларни эшитиш аламли ва уятлидир, чунки у мақсад қилган ниятига ҳали етмаганини билади. У саботлидир ва бошлаган ишини ярим йўлда қолдирадиган эмас. Шундай дақиқаларда у намозларида Робб Таъолога мурожаат қилади ва бунга умиди узилай деган вақтда, унинг қаршисида янги эшик очилади.

Мужоҳидга: «Бир стакан сувда тўфон кўтарма», яъни арзимас нарсага бунчалик куюнма деб маслаҳат берадилар. Аммо у қийинчиликларни бўртиришга иштиёқманд эмас ва доимо зарурий хотиржамликни сақлашга ҳаракат қилади.

Шайх Шомил Абу Идрис: Мужоҳид китоби

Лекин у ўзга кишининг жафо чекиш меъёрини аниқлашга ҳаракат қилмайди, яъни бошқаларнинг мусибатга бардош бериш чегарасини аниқламайди.

Баъзан унинг ўзига эътиборсиз бўлган арзимас бир нарса, запал – портлатгич вазифасини бажариб қўйиши мумкин – ва биродарининг бағрига аста-секин тўлган умидсизлик бир кунмас бир кун портлаб кетиши мумкин. Мужоҳид яқин кишисининг мусибатини инобатга олади ва уни ўзининг мусибати билан таққосламайди. Ҳаммининг азоб уқубат косаси ўзига тайин.

11. Қийинчиликлар

Аллоҳ Таъоло айтади:

وَلْتَبْلُوَنَّكُمْ بِشَيْءٍ مِّنَ الْخَوْفِ وَالْجُوعِ وَنَقْصٍ مِّنَ الْأَمْوَالِ
وَالْأَنْفُسِ وَالْثَّمَرَاتِ وَبَشِيرِ الصَّابِرِينَ ﴿١٥٥﴾

«Ва албатта сизларни хавфу хатар, очлик, молу жон ва мева чеваларни камайтириш каби нарсалар билан имтиҳон қиламиз. Бирор мусибат келганда: «Албатта биз Оллоҳнинг (бандаларимиз) ва албатта биз У зотга қайтгувчилармиз», дейдиган собирларга хушxabар беринг (эй Муҳаммад).» («Бақара»,155,156)

Гоҳида мужоҳид турли ҳолатларда, яъни тунашга жойи, ейишга таоми йўқ, қурол яроғ етишмай ва тиббий ёрдам топилмай, қийналиб қолганида « Ҳеч қиси йўқ, бу касбимнинг таркибий қисми. Бу йўлни танлашга мени ҳеч ким мажбур қилмаганку. Мен ўзим буни танлаганман,» деб ўзига тасалли беради. Бу сўзларда унинг бутун қуввати

мужассамлангандир: у ўзининг йўлини танлади, ва у ҳеч бир нарсага нолимайди ва ҳеч бир ишга шикоят қилмайди.

Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи васаллам айтганларидек: «Кимга Аллоҳ яхшилиқни ирода қилса, уни мусибат билан балолайди». (Бухорий)

Мужоҳид Ислом ҳимояси йўлида душманни қатл қилган саккиз муслиманинг биринчиларидан бўлган, Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи васаллам нинг аммалари София (р.а.)нинг жасоратларига қойил қолади.

Уҳуд жангида бу аёл довюраклик билан Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи васаллам ни ҳимоя қилдилар, ва жангдан кейин қорни ёрилиб, жигари юлиб олинган ва жасади мусла қилинган акаси Ҳамза (р.а.)ни топиб: «Буларнинг барчаси Аллоҳ учундир, ва мен унга Аллоҳ тарафидан тақдир қилинган қисматга розиман. Ва Аллоҳга қасамёд қиламанки, мен сабр бардошли бўламан, ва Аллоҳ унга муносиб мукофотни берсин.»

12. Ҳикмат

Аллоҳ айтади:

أَدْعُ إِلَى سَبِيلِ رَبِّكَ بِالْحِكْمَةِ وَالْمَوْعِظَةِ الْحَسَنَةِ ط

«(Эй Муҳаммад), Парвардигорингизнинг йўли динига донолик ҳикмат ва чиройли панд насиҳат билан даъват қилинг...» («Наҳл», 125)

Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи васаллам айтдилар: «Ўз нафсини тергаб турувчи ва ўлимдан кейинги нарса учун

Шайх Шомил Абу Идрис: Мужоҳид китоби

солиҳ амал қилувчи киши донодир, ва Аллоҳдан умидвор бўлиб, аммо ўз нафсининг ҳою- ҳавасларига қул бўлган киши ночор – заифдир.

Мужоҳид, Аллоҳ Таъоло ёлғизликни, инсон жамият турмушини ўрганиб олиши ва жамоанинг қадрига етиши учун юборишини аллақачон ўзлаштириб олган.

Аллоҳ, хуноблик ва зерикишни – риск ва фидокорликнинг қанчалик муҳимлигини равшан қилиб кўрсатиш учун инсон бошига келтиради.

Ҳар бир сўз маъсулиятли бўлишлигини уқтириш учун Аллоҳ сукутни қўллайди.

Чарчоқни – тетикликнинг қадрини билдириш учун юборади.

Касалликни – соғлиқнинг қанчалик катта неъмат эканлигини тўла тушунишимиз учун.

Олов ёрдамида Аллоҳ бизларга сувнинг қадрини билдиради. Ер ёрдамида ҳавонинг нима эканлигини таълим беради. Ўлим билан эса, Аллоҳ ҳаётнинг қанчалик муҳимлигини кўрсатади.

Мужоҳид бошқалар қабул қилган қарорларни қоралашга вақтини сарф қилмайди.

Муҳим нарса етиб келади, бефойда нарса чириб кетади.

Ўзи танлаган йўлнинг тўғрилигига ишониш учун, бошқа кишининг нотўғри йўл танлаганлигини исботлашга ҳожат йўқ.

Хитой донишманди Лао Цзи айтган экан: «Жангчининг ҳаёт йўли ҳар бир майда ва нозик нарсага бўлган ҳурматни ўз ичига олади. Муҳим қадамни қўйиш лаҳзасини тутиб қолишга доимо ҳаракат қил. Ҳатто агар сен камондан ўқ узиш санъатини ўзлаштирган бўлсанг ҳам, барибир ўқни қўйишингга ва канофни қандай тортишингга эътибор бергин. Ўз ҳожатини яхши тушунувчи янги шогирд, охир оқибат паришонхотир донишманддан ақллироқдир. Ўзида муҳаббатни мужассам қилиш бахтни англатади, адоватни мужассам қилиш эса – изтиробни билдиради. Кимки қийинчилик нима эканлигини ажрата олмаса, эшикни очиб қолдиради ва бу билан офатни келтириб чиқаради. Жанг билан жанжаллашиш бошқа бошқа нарсадир».

Ўрнашиб қолган одат муҳим амалларни белгилаб бера олмайди.

Мужоҳид бошқа бир донишманднинг сўзларини ёдида сақлайди: «Бизлар қиладиган ҳатти – ҳаракатларнинг оқибатлари кўрқоқларни довдиратиб қўяди, аммо донишмандлар учун улар гўё нур шуъласидир. Дунё шахмат тахтачасига ўхшайди. Фигуралар – бизнинг ҳар кунги ишларимиз; ўйин қоидалари эса Аллоҳнинг қонуниятларидир. Биз ким билан ўйнаётганимизни кўра олмаймиз, аммо бизга Унинг одил, сабрли ва ишончли эканлиги маълумдир».

Мужоҳидга Аллоҳ билан қилган аҳдини тўла ҳолда бажариш фурсати етди. Мужоҳид, яхши кўрган бандалари тарафидан қилинган бирон - бир хатони Аллоҳ ўтказиб юбормаслигини билади. Ўзининг суйган бандалари бу аҳд қоидаларни уларга нотаниш деб муғомбирлик қилишларига ҳам йўл қўймаслигини билади.

Шайх Шомил Абу Идрис: Мужоҳид китоби

Мужоҳид донодир ва шунинг учун ҳам ўз мағлубиятларини ошкор қилмайди.

13. Ўзни хавф – хатарга қўймоқ

Аллоҳ Таъоло айтади:

لَوْ كَانَ عَرَضًا قَرِيْبًا وَسَفَرًا قَاصِدًا لَاتَّبَعُوكَ وَلَٰكِن بَعُدَتْ عَلَيْهِمُ الشُّقَّةُ وَسَيَحْلِفُونَ بِاللَّهِ لَوِ اسْتَطَعْنَا لَخَرَجْنَا مَعَكُمْ يُهْلِكُونَ أَنْفُسَهُمْ وَاللَّهُ يَعْلَمُ إِنَّهُمْ لَكَاذِبُونَ ﴿٤٢﴾

«(Эй Муҳаммад), агар (сиз даъват қилаётган жиҳод) осон фойда ва яқин сафар бўлганида, улар (яъни мунофиқлар) албатта сизга эргашган бўлур эдилар. Лекин уларга масофа узоқ бўлиб кўринди (шунинг учун чиқмадилар). Ҳали улар (ёлғон қасам билан) ўзларини ҳалок қилиб: Агар қодир бўлганимизда сизлар билан бирга чиққан бўлур эдик, деб қасам ҳам ичадилар. Аллоҳ эса уларнинг ҳеч шак-шубҳасиз ёлғончи эканликларини билур.» (Тавба,42)

Мужоҳид ҳужум қилмоқчи бўлган ҳадафини ўта синчковлик билан ўрганади. Мақсадга етиш йўли қанчалик қийин бўлмасин, барибир тўсиқларни ошиб ўтишлик усуллари ва йўллари мавжуддир. Мужоҳид айланиб ўтиш йўлларини излайди, қиличини ўткирлайди, хуллас қалбини кураш учун зарур бўлган мустаҳкамлик билан тўлдиришга ҳаракат қилади. Аммо бу йўлда кета туриб, у ҳисобга олмаган баъзи қийинчилик ва тўсиқлар борлигини тушуниб этади.

Агар у қулай фурсатни келишини кутиб турса, у ҳолда ҳеч қачон жойидан силжимади; биринчи қадамни қўйиш учун озгина девоналик қилиш керак бўлади. Мужоҳид бу девоналикни ўз фойдасига ишлата билади.

Зеро ҳамма нарсани ҳисобга олиб бўлмайди ва хусусан жангда.

14. Тиришқоқлик

Аллоҳ Субҳаноҳу Таъло Ўз китобида хабар беради:

مِنَ الْمُؤْمِنِينَ رِجَالٌ صَدَقُوا مَا عَاهَدُوا اللَّهَ عَلَيْهِ فَمِنْهُمْ مَّنْ قَضَىٰ نَحْبَهُ
وَمِنْهُمْ مَّنْ يَنْتَظِرُ وَمَا بَدَّلُوا تَبْدِيلًا ﴿٢٣﴾

«Мўминлар орасида ўзлари Аллоҳга берган (У зотнинг йўлида жиҳод қилиб, шаҳид бўлиш ҳақидаги) аҳду паймонларига содиқ бўлган кишилар бордир. Бас улардан (айрим) кишилар ўз аҳдига вафо қилди, (яъни шаҳид бўлди), улардан (айрим) кишилар эса (шаҳид бўлишга) интизордир. Улар (мунофиқларга ўхшаб Аллоҳга берган аҳду паймонларини) ўзгартирганлари йўқ.» (Аҳзоб,23)

Мужоҳид ўзининг заиф томонларини билади, аммо шу қаторда ўз қобилиятларини ҳам билади. Бошқалар: «Бизларга фурсат етмади, имконият бўлмади,» деб нолийдилар. Мумкин улар ҳақдирлар, аммо мужоҳид бунинг сабабидан ўзини карахт бўлиб қолишига йўл қўймади – йўқ, балки у бор куч ва қобилиятларини ишга солади.

Мужоҳид мусулмонлар 3000 киши, кофирлар эса 200000 та бўлган Мўъта ғазоти олдидан бир саҳобанинг айтган сўзларини ёдида сақлайди. «Аллоҳга қасамки, эй инсонлар!

Шайх Шомил Абу Идрис: Мужоҳид китоби

Бизлар на кучимиз ва на сонимиз билан, балки иймонимиз билан курашамиз. Сизлар бу юришдан мақсад қилиб чиққан нарсангиз томон шошилинг. Аллоҳ сизларга ҳар икки ҳолатда ҳам муваффақиятни ваъда қилди, ё ғалаба, ё шаҳодат.»

Мужоҳид учун абстракт, назарий тушунчалар мавжуд эмас.

Мужоҳид дунёда нима бўлаётганига бефарқ қараб, салқин уйида, хотиржам ҳолда ўтирмайди, - йўқ, балки уларда ўзини яхши тарафга ўзгартиришга бўлган имкониятларни кўриб, бу барча чақириқларни қабул қилади.

Баъзи ўртоқлари умр бўйи танлаш имкониятига эга эмасликларидан нолийдилар ёки бошқалар қабул қилган тўхтамларни муҳокама қилиш билан вақтларини ўтказадилар.

Мужоҳид эса ўз фикрини амалга оширади.

Баъзан мужоҳид хадафини, мақсадини нотўғри белгилаган бўлади – ва шунда ҳеч қандай нолишсиз ва шикоятсиз ўз хатосига яраша таъзирини ейди. Шундай ҳам бўладики, у йўлдан адашади ва аввалда уни бошлаб юрган йўлга чиққунча анча вақт бекор кезиб юради.

Лекин ўз танлаган йўлидан мужоҳид ҳеч вақт бурилмайди.

15. Қатъият

Аллоҳ Таъоло айтади:

فَتَوَكَّلْ عَلَى اللَّهِ إِنَّ اللَّهَ يُحِبُّ الْمُتَوَكِّلِينَ ﴿١٥٩﴾

فَإِذَا عَزَمْتَ

«...Энди (маслаҳат қилгач, бирон ишни) қасд қилсангиз, Аллоҳга суянинг таваккал қилинг...» (Оли Имрон, 159)

Мужоҳид ўз режаларини ўзгартирмайди.

Ҳаракат қилишдан олдин, у ўз тайёргарлик даражасини, ўз мажбурият доирасини, бошқалар олдидаги бурчи ҳақида узоқ тафаккур қилади, фикр юритади. Руҳий мувозанатни сақлашга ҳаракат қилиб, у ҳар бир қадамини гўё барча нарса шунга боғлиқ деб, диққат билан текшириб чиқади. Ва суннатга амал қилиб, икки раъкаат намоз ўқиб Аллоҳдан йўл кўрсатишини сўрайди. Ва бир қарорга келиши билан мужоҳид ён атрофга қайрилмай олдинга ҳаракат қилади; танлаган қарорининг тўғрилигида унда ҳеч шак – шубҳа йўқ, ва ҳатто шароиту ҳолатлар у тасаввур қилгандек бўлиб чиқмаса ҳам, мужоҳид Аллоҳга таваккул қилган ҳолда, ўз йўлида давом этади. Ва агар унинг тўхтами тўғри бўлган бўлса, у жангда ғалаба қозонади – ҳатто бу кураш у ўйлагандан узоқроқ давом этса ҳам. Аммо унинг қарори хато бўлган бўлса, у мағлубиятга учрайди ва ҳаммасини бошқатдан, янгитдан бошлайди, аммо энди бошидан

Шайх Шомил Абу Идрис: Мужоҳид китоби

кечирган аччиқ тажриба билан қуролланган ҳолда. Аммо унинг мукофоти ниятига қараб берилади.

Мужоҳид қояга ўхшайди.

Агар у текисликда бўлса ва атрофдаги нарсалар ўз жойида мутаносиб ҳолда бўлса, у жойида мустаҳкам туради. Вайронагарчилик келтирувчи бўрондан муҳофаза қилувчи унинг кўланкасида инсонлар ўз уй- жойларини бунёд қиладилар.

Агар у қияликда ёки нишаб ерда турса ва атрофидаги нарсалар мувозанат ва ҳурмат-эҳтиромдан маҳрум бўлса, ана шунда у бор қувватини ҳозирлаб, дунёни вайрон қилмоқчи бўлган душманга ташланади.

Бундай дақиқаларда мужоҳид ҳалокат келтирувчи ва нобуд қилувчи бўлади, ва ҳеч ким уни тўхтата олмайди.

Ва Мусайлима каззоб билан бўлган жангда энг оғир дақиқада ўлимга байъат қилган тўрт юздан ортиқ саҳобанинг ҳатти ҳаракати мужоҳид учун ёрқин намунадир. Маййитларга суртиладиган мўмиё билан чапланиб, кафанга ўралиб олган Собит ибн Қайс (р.а.) барчага хитоб қилди:

«Эй мусулмонлар! Бизлар Пайғамбар Соллаллоҳу алайҳи васаллам даврида бундай жанг қилмас эдик! Душманларингизни сизларга кўрқмай ҳужум қилишга ўргатиб қўйганингизни кўриш, менга жуда ҳам қайғулидир... Ва сизлар улардан мағлубият кўришга сабрли бўлиб қолганингизни кўриш ҳам менга аламлидир...»

Собит (р.а.) осмонга юзланди ва: «Эй Аллоҳ! Дарҳақиқат, бу мушриклар (яъни Мусайлима ва унинг тарафдорлари) олиб келган нарсага мен алоқадор эмасман. Ва дарҳақиқат,

бу (ўзаро хусуматлашаётган) муслмонлар қилаётган нарсага ҳам, мен алоқадор эмасман,» деб нидо қилди.

Шундан сўнг, ўзининг энг яхши ҳамроҳлари: Барро ибн Молик, Зайд ибн Ҳаттоб, Солим Мавло Абу Ҳузайфа (р.а.)лар ва кўпгина аввалги муслмонлар билан елкама елка, худди қутурган шердек душманга ташландилар. Ва уларнинг тўртталари ҳам шаҳид бўлдилар, муслмонлар эса ғалаба қозондилар.

Шу сабабли мужоҳид ўз қиличини силташ учун бошқалардан рухсат сўрамайди, балки уни кўлига олади. Шунга ўхшаб, ўз ҳатти - ҳатакатларини тушунтириш учун вақтини бекор кетказмайди, у Робб Таъоло томонидан белгилаб қўйилган тақдирга ишонади ва қилаётган ишига ўзи жавоб беради.

Аллоҳ Таъоло айтади:

﴿٤٣﴾ وَلَمَن صَبَرَ وَغَفَرَ إِنَّ ذَٰلِكَ لَمِنَ عَزْمِ الْأُمُورِ

«Албатта Ким (ўзига етган озор азиятларга) сабр қилса ва (интиқом олмай Аллоҳ учун) кечириб юборса, шак шубҳасиз бу иш ишларнинг мақсадга мувофиқидир».
(Шўро, 43)

Мужоҳид бир вақтнинг ўзида ҳам уруш, ҳам тинчлик ҳақида фикрлайди ва шарт –шароитларга қараб ҳаракат қилишни билади.

Мужоҳид қачондир жиҳодни бошлаб, то охиригача етказди. Унинг шиори – Ё ҒАЛАБА, Ё ЖАННАТ!

16. Дўстлик

Аллоҳ Таъоло айтади:

إِنَّمَا الْمُؤْمِنُونَ إِخْوَةٌ

«Мўминлар ҳеч шак – шубҳасиз оға – инидирлар!..»
(Хужурот, 10)

Пайғамбар Соллаллоҳу алайҳи васаллам айтдилар: « Ўз биродарини обрўсини ҳимоя қилган кишининг юзини Аллоҳ қиёмат куни дўзах оташидан сақлайди.» (Термизий)

Мужоҳид, энг яхши устозлар бу, жанг майдонига у билан бирга чиқувчи биродарлари эканлигини билади. Мужоҳид ёрдамга муҳтож бўлиб қолса, аввалам бор биродарларининг бундай қийин ҳолатларда нима иш тутишларини, қандай ҳаракат қилишлари ёки ҳаракат қилмайдиларми, шуни аниқлашни хоҳлайди. Аллоҳ берган хис қилиш илҳоми билан, уни муҳофаза қилувчи фариштанинг пичирлаган сўзларини, ёнидаги ҳамроҳининг лабларидан ўқиб олади. Толиқиб ёки ёлғиз қолса, мужоҳид атрофидаги биродарларини қидиради ва уларга ўз ҳасратини изҳор қилади ва ўз айбини англаш туфайли озор чекмай ва лаззат билан уларнинг тушунишларини, ҳамжихатликни истайди.

Гоҳида гулхан атрофида ўтириб мужоҳидлар бир бирларини айблов ва танбеҳлар билан кўмиб ташлайдилар, аммо бўлиб ўтган озору азиятларни унутиб кечани бир чодирда ўтказадилар.

Вақти – вақти билан улар орасида янги киши пайдо бўлади ва улар билан бирга бошидан кечирган воқеалари бўлмагани учун, у фақат ўз қобилият ва фазилатларини намойиш қилади. Бундан баъзи бир кишилар унга худди устозга қарагандек қарайдилар.

Аммо мужоҳид бу янги келган кишини ўзининг эски жанговор дўстларига тенглаштирмайди. «Хуш келибсиз!», дейди унга, лекин унинг қобилиятлари билан бирга унинг заиф томонларини билгандан кейингина, унга ишонч билдиради.

Мужоҳид жангга кириб, ўз ҳамроҳининг имконият чегараларини аниқлашга ҳаракат қилади.

Тақдир уни бошқа мужоҳидлар билан бирга бўлишликни тақозо қилгандир, аммо баъзида у якка ҳолда қурол – яроғни ишлатишни машқ қилиши зарур. Шу сабабли, биродарларидан ажралиб, у гўё юлдузга ўхшаб қолади.

У осмонга қаровчилар, бошқа галлактика ва оламларни кўра олишлари учун унга тайинланган коинотнинг бир қисмини ёритишга ҳаракат қилади. Унинг қатъияти ва вафодорлиги тез орада мукофотланади. Бирин кетин бошқа мужоҳидлар ҳам унга қўшиладилар ва уларнинг барчаси юлдузлар туркумига ва галлактикаларга айланадилар.

Мужоҳид, коинотдаги энг узоқ юлдуз ён - атрофидаги нарса орқали ўзининг бор эканлигини аниқлашини билади.

17. Саҳоват

Аллоҳ айтади:

هَآأَنْتُمْ هَآؤَلَاءِ تُدْعَوْنَ لِتُنْفِقُوا فِي سَبِيلِ اللَّهِ فَمِنْكُمْ مَّنْ يَبْخُلُ وَمَنْ
يَبْخُلْ فَإِنَّمَا يَبْخُلُ عَن نَّفْسِهِ وَاللَّهُ الْغَنِيُّ وَأَنْتُمُ الْفُقَرَاءُ

« мана сизлар шундай кишилардирсизки, Аллоҳ йўлида инфоқ – эҳсон қилиш учун даъват қилинурсиз. Бас, (аниқки) сизларнинг орангизда бахиллик қилувчи кимсалар ҳам бордир. Ким бахиллик қилса, бас, албатта у фақат ўз зиёнига бахиллик қилур. Аллоҳ (сизларнинг хайр-эҳсонларингиздан) бой беҳожатдир, сизлар эса (У зотнинг ажр – савобига) муҳтождирсизлар.» (Муҳаммад,38)

Пайғамбар Соллаллоҳу алайҳи васаллам айтганлар: «Бойлик дегани мол-мулкнинг кўплиги эмас, бойлик дегани кўнгилнинг бойлиги деганидир.» (Бухорий, Муслим)

Мужоҳид ўзида бор нарсанинг энг яхшисини инфоқ қилади ва бошқалардан ҳам шуни талаб қилади. Ва бунга кўшимча қилиб бутун оламга, ҳар бир инсоннинг қанчалик кўп нарсага қодир эканлигини бағри кенглик ва ҳиммат билан кўрсатишга ҳаракат қилади.

Бу хусусда баъзи ҳамроҳлари: «Инсонлар ношукр» деб эътироф қилдилар. Мужоҳидни бундай гаплар билан чалғитиб бўлмайди. У яқин кишисини сийлашда давом этади ва уни ҳаракат қилишга ундайди, зеро бу билан ўзига ҳам таъсир ўтказади.

Пайғамбар Соллаллоху алайҳи васаллам айтганлар: « Кимки, Аллоҳ йўлида ғазотга чиқмаган ёки бирор ғозийни жиҳозлаб чиқармаган, ёки аҳлида бирорта яхши ғозий қолдирмаган бўлса, унга қиёмат кунидан олдин бир қиёмат келади.» (Абу Довуд)

Мужоҳид сиротим мустақим бўлган йўл ҳақида билган нарсаларини бошқалар билан баҳам кўради. Кимки, бошқаларга ёрдам берса, ёрдамга кўз тутса бўлади. Кимга таълим берилган бўлса, бошқаларни ўргатиши зарур бўлади. Ва шунинг учун мужоҳид гулхан олдида ўтириб, ўзининг жанговор куни қандай ўтганлигини ҳикоя қилади.

«Ўз муҳим стратегик сирларингни ошкор қилиб нима қиласан? Ахир бу билан ўз ғалаба ва ютуқларингга бошқаларни ҳам шерик қиласанми? Нимани хатар остига қўяётганингни ноҳот тушунмасанг!» деб, кимдир унга пичирлайди. Жавобига мужоҳид ҳеч нима демай фақат жилмаяди, холос. Чунки, у йўлнинг охирида етишадиган жаннат инсон зотисиз, бўш бўладиган бўлса, демак бу кураш ҳеч қандай маъно ва мантиқсиз бўлганини мужоҳид хис қилади.

18. Намоз ва Дуо

Аллоҳ Таъоло айтади:

إِنَّ الصَّلَاةَ تَنْهَىٰ عَنِ الْفَحْشَاءِ وَالْمُنْكَرِ ۗ

« ...албатта намоз бузуқлик ва ёмонликдан тўсур.»
(Анкабут,45)

Шайх Шомил Абу Идрис: Мужоҳид китоби

Мужоҳидга ўзи учун вақт зарур. У бу вақтни дам олиши учун, ўзини мувоқибга қилиши ва Улуғ Роббисига ибодат қилиш учун ишлатади. Ҳатто жангнинг қизиган палласида ҳам, мужоҳид намоз ўқишга ва зикр қилишга муваффақ бўлади.

Икки турдаги намоз ва дуо мавжуд.

Биринчиси – инсон бунда, Аллоҳдан баъзи маълум ҳодисалар рўёбга чиқишини сўрайди ва ҳатто бунда нима қилиш кераклигини Аллоҳга айтиб бермоқчи бўлади. Аллоҳ эса бизларнинг ҳар биримизга аслида нима яхши эканлигини жуда яхши билади, бундай дуога У эътибор бермай, нима зарур бўлса шуни қилади. Ва намозхонда унинг дуоси қабул қилинмади деган туйғу пайдо бўлади.

Иккинчи турдаги дуо – Робб Таъолонинг қандай иш тутишини фаҳмламай, Аллоҳнинг тақдир қилган нарсалари унинг ҳаётида қачон амалга ошишини кутади. У мусибат ва заҳматлардан паноҳ сўрайди, одил кураш учун руҳига қувват ато этишини талаб қилади, лекин ҳар дақиқада: «Сен ҳоҳлаган нарса бўлувчидир, эй Роббим!» деб такрорлашни ёдидан чиқармайди. Мужоҳид худди шу йўсинда дуо қилади.

Шундай дақиқалар бўладими, мужоҳид учун кетаётган йўли одатий, бир хил ва зерикарли бўлиб қолади. Бундай ҳолатларда Аллоҳни эслаб зикр қилиш жуда кўп фойда беради.

Аллоҳ Таъоло айтади:

وَأذْكُرُوا اللَّهَ كَثِيرًا لَّعَلَّكُمْ تُفْلِحُونَ ﴿١٠﴾

«...Аллоҳни кўп зикр қилинглари, шояд нажот топурсизлар.» (Жумъа, 10)

Мужоҳид фақат бир топшириқни кўп бор бажаришга мажбур бўлганда, зикрни ўзига лозим тутати ва жонига теккан бу топшириқ зикр орқали ибодатга айланади.

Пайғамбар Соллаллоҳу алайҳи васаллам айтганлар: «Банданинг роббисига энг яқин бўладиган вақти сажда ҳолатида бўлади, шунинг учун (бу дақиқаларда) дуони кўпайтиринглар!» (Муслим)

Мужоҳид дуони берилиб, бутун қалби билан қилади. Ва бу вақтда ҳеч нима ҳақида ўйламасликка ҳаракат қилади; ҳузур ҳаловат қидиришдан, ташланган чақириқлардан, хуллас барча дунёвий елиб югуришлардан ҳаёлини тозалайди.

Ва ана шунда мужоҳиднинг қалби хурсандчилик ва хотиржамликка тўлади.

19. Нусрат ва Ғалаба

Аллоҳ Таъоло айтади:

يَا أَيُّهَا الَّذِينَ آمَنُوا إِن تَنْصُرُوا اللَّهَ يَنْصُرْكُمْ وَيُثَبِّتْ أَقْدَامَكُمْ ﴿٧﴾

«Эй мўминлар, агар сизлар Аллоҳга ёрдам берсангизлар (яъни Унинг йўлида жиҳод қилсангизлар), У зот ҳам сизларга ёрдам берур ва жанг майдонида қадамларингизни собит барқарор қилур.» (Муҳаммад, 7)

Имом ибн Қоййум (р.х) айтадики, Аллоҳ мужоҳидларга беш асосий сифатни ўзларида жорий қилишни буюради. Агар

Шайх Шомил Абу Идрис: Мужоҳид китоби

қайси бир мужоҳидлар гуруҳи шу сифатларга эга бўлса, ва душман гуруҳидан сон жиҳатидан кам бўлса ҳам, улар шубҳасиз ғалаба қозонадилар:

- 1) Собит туришлик.
- 2) Аллоҳни кўп зикр қилиш.
- 3) Аллоҳга ва Росулига итоат.

4) Бир нарсага келишув ва қўрқоқлику, заифликка олиб борувчи талашиб тортишишликка йўл қўймаслик. Тортишув, бахс қилувчиларни заифлаштиради ва душманни кучайтиради. Бир фикрда бўлишлик, бир боғламдаги камон ўқларига ўхшайди. Уларни бу ҳолда синдириб бўлмайди, аммо уларни бир-биридан ажратиб яқка ҳолда қўйсақ, уларни барчасини синдириш мумкин.

- 5) Буларни барчасининг асосий негизи сабрдир.

Ғалаба мана шу беш сифатга асослангандир. Агар бу сифатлар ёки уларнинг бири бўлмаса, нусрат ҳам бўлмайди.

Саҳобалар шу сифатларга эга бўлганлар ва уларга қарши бирон жамоа қаршилиқ қила олмаган ва улар доимо ғалаба қозонганлар. Ва вақтики бу сифатлар заифлашган сари аҳвол бугунги ҳолатга келди.

Аллоҳ Таъоло айтади:

وَلَقَدْ صَدَقَكُمُ اللَّهُ وَعْدَهُ إِذْ تَحُسُونَهُمْ بِأَذْنِهِ ۗ حَتَّىٰ إِذَا فَشِلْتُمْ
وَتَنَّزَ عَثْمٌ فِي الْأُمْرِ وَعَصَيْتُمْ مِّنْ بَعْدِ مَا أَرَاكُمْ مَا تَحِبُّونَ ۗ مِّنْكُمْ
مَّن يُرِيدُ الدُّنْيَا وَمِنْكُمْ مَّن يُرِيدُ الْآخِرَةَ ۗ ثُمَّ صَرَّفَكُمْ عَنْهُمْ
لِيَبْتَلِيَكُمْ ۗ

«Аллоҳ ўз ваъдасининг устидан чиқди – сизлар Унинг изни билан кофирларни қира бошладингиз. То сусткашлик қилиб, (пайғамбар алайҳис – саломнинг) амру фармонлари борасида талашиб тортишган ва Аллоҳ сизлар яхши кўрган нарсани (яъни ғалабани) кўзингизга кўрсатиб қўйганидан кейин пайғамбарнинг амридан бош тортган пайтингизгача (бу устунликларингиз давом этди). Орангизда дунё истаган кишилар ҳам, охират истаган кишилар ҳам бор эди. Сўнгра сизларни имтиҳон қилиш учун уларнинг (устидан ғалаба қилиш ўрнига мағлубият томонга) буриб юборди.» (Оли Имрон, 152)

Мужоҳид курашни бошлаб: «Менинг мақсадим бор,» дейди. Анча йиллар ўтиши билан, у истаган нарсага эриша олишини ва бунга ажрланишини хис қилади. Шунда уни қайғу босади. Зеро инсониятнинг аксар қисмига етган бахтсизлик, ёлғизлик, муваффақиятсизлик ва хафагарчиликлар мужоҳидга аёндр. Ва шу сабабли у, етишадиган мукофотга ўзини лойиқ эмас деб ҳис қилади.

«Барчасини бериб юбор,» дейди унга ўз фариштаси. Ва мужоҳид тиз чўкиб Аллоҳга барча ғалабаларини тақдим қилади.

Шу сабабли мужоҳид ўзига бўмағур саволлар беришдан тўхтайди ва айбдорлик ҳиссиётини бошқара олади.

Оламдаги барча йўллар мужоҳиднинг юрагига олиб боради; у эҳтиёткорлик билан ҳаёти тўла бўлган даҳшатлар уммонига ташланади. Мужоҳид ўзи ҳоҳлаган нарсани танлашга ихтиёрли эканини билади; у мардлик билан, ён атрофга алангламай ва гоҳида бошини қуйи солганча бир қарорга келади.

Шайх Шомил Абу Идрис: Мужоҳид китоби

У ўз ҳою – ҳавасларини инкор қилмайди ва уларнинг меваларини тотийди. У, ғалаба келтирадиган қувончни рад этмай қабул қилади, чунки ғалабалар унинг ҳаётининг бир қисми бўлиб ва унга талпинган кишининг дилини хурсанд қиладиган воситадир.

Баъзан, ҳеч тугамайдиган бўлиб кўринган жангнинг қизиган палласида мужоҳидни бир фикр буркаб олади ва у бир зумда ғалаба қозонади. Ва шунда у: «Нега энди мен шунча вақт қийналдим ва сарф қилган кучимнинг ярмиси билан ғалаба қозонса бўладиган жанг учун бунчалик кўп қийналдим?» деб фикр юритади.

Аслида ечими топилган ҳар бир масала ечилганидан кейин оддий бўлиб кўринади. Ва ҳозир ҳеч бир қийинчиликсиз эришилди деб туюлувчи ютуқ, аслида эътибордан четда қолган майда ютуқлар занжирининг охириги ҳалқаси эди. Ва шунда мужоҳид бўлиб ўтган воқеанинг моҳиятини тушунади ва бу ютуқ сари анча узоқ йўл юргани учун ўзини айблаш ўрнига, охир оқибат бу ютуқга эришгани учун мужоҳид хурсанд бўлади.

Пайғамбар Соллаллоҳу алайҳи васаллам айтганларидек: «Умматидан бир Ҳақ тоифа қиёматга қадар ғалаба устида бўлади.» (Муслим)

Жангда ютиб, у ғалабани нишонлайди. У мужоҳидга қимматга тушди; анча йўқотувлар бўлди, оғир дақиқалар, хавотирга тўла кечалар ва туганмас интизорли кунлар бошдан ўтди.

Мужоҳиднинг хурсанд бўлишини кўриб, одамлар тушунмай: «Нега у бунчалик катта тантана қилади? Ахир кейинги жангда мумкин уни мағлубият кутар. Ахир бу билан

ўзига душманларнинг қахрини келтириши мумкин», деб ўйлайдилар.

Аmmo мужоҳид қилаётган ишининг сабабини билади. У ўзига бўлган ишонч неъматни билан тўла лаззатланиб олишни истайди, зеро бу, - ғалаба келтирадиган энг қимматбаҳо неъматдир.

Шу билан бир қаторда, ўз шодлиги ва хирсу ҳавасни бошқара билиш кераклиги ва ҳар бир нарсада ўз нафсига тобе бўлиш нотўғри эканлигини, нусрат ва ғалаба эса Аллоҳ тарафидан келишини мужоҳид яхши билади.

Ойша онамиз (р.а.): «Мен ҳеч вақт Росулulloҳ Соллаллоҳу алайҳи васаллам ни тиллари кўринадиган даражада оғизларини очиб кулишларини кўрмаганман, балки у киши жилмаярдилар.»

Бугун мужоҳид кечаги ғалаба учун байрам қияпти ва бугунги зафар тантанасидан эртанги жанглар учун куч тўплайди. Ғалаба вақтида ўз шодлигу эҳтиросларини бошқара билиш, мағлубият аламини хотиржам қабул қилишга ёрдам беради.

20. Ёлғизлик

Аллоҳ Таъоло айтади:

فَقَاتِلْ فِي سَبِيلِ اللَّهِ لَا تُكَلِّفُ إِلَّا نَفْسَكَ وَحَرِّضِ الْمُؤْمِنِينَ عَسَى اللَّهُ أَنْ يَكُفَّ بَأْسَ الَّذِينَ كَفَرُوا وَاللَّهُ أَشَدُّ بَأْسًا وَأَشَدُّ تَنكِيلًا



Шайх Шомил Абу Идрис: Мужоҳид китоби

«Бас (эй Муҳаммад Соллаллоҳу алайҳи васаллам), Аллоҳ йўлида жанг қилинг. Зотан, сиз фақат ўзингиз учун жавобгарсиз.(Демак, ёлғиз қолсангиз ҳам жанг қилинг) ва мўминларни ҳам тарғиб қилинг! Шояд Аллоҳ кофир бўлган кимсаларнинг шиддатини даф қилса, Аллоҳ қуввати ортиқ, азоби қаттиқ зотдир.» (Нисо, 84)

Росулуллоҳ Соллаллоҳу алайҳи васаллам айтдилар: «Энг яхши йўлдошлар тўрт киши, энг яхши сария тўрт юз киши, энг яхши қўшин тўрт минг, ўн икки минг жангчи эса сони (камлиги) жиҳатидан мағлубиятга учрамайди.» (Абу Довуд, Термизий)

Мужоҳид, инсон орол эмаслигини билади.

Унинг фикри қандай бўлишидан қатъий назар, у якка ҳолда кураша олмайди. У бошқа инсонларга эҳтиёж сезади. У бошқалар билан ўз режаларини муҳокама қилишга, кимдандир ёрдам ва кўмак сўрашга ва дам олиш соатларида гулхан атрофида ўтириб кимгадир ўтган жанглар ҳақида гапириб беришга муҳтождир. Аммо мужоҳид, бу эҳтиёжни инсонлар, ўзига ишончсизлик деб қабул қилишларига йўл қўймайди. Унинг ҳатти ҳаракатлари очиқ ойдин, аммо фикри махфийдир.

Мужоҳид ўз биродарлари билан дам олади, лекин ўзи қўйган қадамларининг маъсулиятини бошқаларга юкламайди.

Баъзан ўз ихтиёрига қарши, нотўғри қадам қўяди ва тубсиз чуқурликка ботиб кетаётгандек туюлади.

Ёлғизлик уни қийнайди, шарпалар уни чўчитади. У Ҳақ учун бўлган жангни излаган вақтида, бундай ҳодиса у билан содир бўлишини тасаввур қилмагани. Аммо содир бўлди.

Қоронғуликка бурканган ҳолда, ўз юрагига хитоб қилади: «Мен гирдобга ботиб кетаяпман, сув жуда чуқур ва қорамтир.»

«Бир нарсани унутма! Сувга ботган эмас, балки сув остида қолган киши чўкиб ғарқ бўлади,» деб жавоб беради юраги.

Ва мужоҳид тушиб қолган ҳолатдан чиқиб кетиш учун бор куч қувватини ишга солади.

Пайғамбар Соллаллоҳу алайҳи васаллам айтганлар: «Агар инсонлар ёлғиз ҳолда сафар қилиш ҳақидаги мен билган нарсаларни билганларида эди, ҳеч қайси отлик кечаси якка ҳолда йўлга тушмасди». (Бухорий)

Мужоҳид ёлғизликдан фойдаланади, аммо ёлғизлик ундан фойдаланишига йўл қўймайди.

Мужоҳид саросимали ва ҳаяжонли дақиқаларда жуда фойдали машқ билан шуғулланади: бошқалар илғамай, эътибор бермай қиладиган - нафас олиш, мижжа қоқиш, ён атрофга эътибор бериш каби нарсаларни, у тафаккур қилган ҳолда синчковлик билан қилишга ҳаракат қилади. Ва шу усул билан диққатчиликдан қутулади. Бунинг натижасида ўз ҳис қилиш қобилятини янада озод, яхши ишлашига йўл очади. Унинг қўрқув ва истаклари бу иш жараёнига ҳалал бермайди.

Мужоҳид ёлғизлик ва муҳтожлик орасидаги мувозанатни сақлай билади.

21. Севги ва муҳаббат

Аллоҳ Таъоло айтади:

وَأَخْفِضْ جَنَاحَكَ لِمَنِ اتَّبَعَكَ مِنَ الْمُؤْمِنِينَ

«Ўзингизга эргашган мўмин бўлган кишилар учун қанотингизни паст тутинг (яъни уларга хуш ҳулқ билан камтарона муомалада бўлинг.» (Шуаро, 215)

Росулulloҳ Соллаллоҳу алайҳи васаллам айтганлар: «Дарҳақиқат, Аллоҳ Таъоло сизларнинг на жасадингизга ва на афту – ангорингизга, балки сизнинг қалбингизга қарайди.» (Муслим)

Мужоҳид севгисиз тура олмайди. Худди ейиш ва ичишга, Ҳақ учун курашдан бўлган ҳаловат топиш каби, кимнидир меҳр муҳаббат ила эркалатиш ғаризаси мужоҳиднинг табиатида жойлангандир.

Агар қуёш ботсаю, мужоҳид бахт саодатни ҳис қилмаган бўлса, демак нимадир тўғри эмас.

У, инсонлар ўзларини ўраб олган совуқ ниқоблар орқасида иссиққина юрак яширинганини кўради олади. Шу сабабли у бошқа инсонларга нисбатан ўзини кўпроқ хавфу хатарга қўяди. Тўхтовсиз ва доимий суратда у ўз севгисини қидиради – ҳатто бу излашлар давомида баъзан унга «йўқ» деган сўзни эшитиш тўғри келса ҳам, ҳеч бир нарсасиз қайтса ҳам, ўзи хуш кўрилмай рад этилган бўлса ҳам

изланишда давом этади. Мужоҳид ўзи муҳтож бўлган севгисини излаётган вақтда баъзи шарт шароитлар уни чўчитиб қўйишига йўл қўймайди.

Севгисиз у гўё қўлсиздир.

Пайғамбар соллаллоху алайҳи васаллам айтдилар: «Севувчи, туғадиган аёлларга уйланинглари, зеро мен қиёмат кунини бошқа пайғамбарлар олдида сизнинг сонингиз билан фахрланаман.» (Аҳмад)

Ва мужоҳид имкон топган заҳоти уйланади, чунки бу ҳам жиҳоднинг бир қисмидир, зеро солиҳ, покиза оила пок жамиятнинг асосидир.


Бир неча бор, унинг севгисига нолайиқ бўлганларнинг орқасидан мужоҳид жафо чекишига тўғри келган.

Шундай дақиқалар бўладикки, ҳаёт унга доим яхши кўрган нарса билан ажралишга мажбур қилиб, синов имтиҳонлар уюштиради. Бундай дақиқаларда мужоҳид ҳаёлга чўмади. Мужоҳид бу нима, Робб Таъолонинг хоҳиш иродасими ёки нафсоний иззатталаблик эканлигини аниқлашга ҳаракат қилади. Биринчи ҳолатда – ҳаттоки агар йўлда ажралишга тўғри келса ҳам, у шикоят ва нолишсиз итоат қилади. Аммо агар бу айрилиқ кимнингдир ёвуз нияти туфайли бўлса, мужоҳид унга беаёв зарба беради.

Мужоҳид билладикки, унинг кўркам, гўзал нарсани кўра олиши ичидаги нарсанинг гўзаллиги сабабидандир, зеро олам ҳар бир киши ўз аксини кўра оладиган кўзгуга ўхшайди.

22. Адолат

Аллоҳ айтади:



«...Огоҳ бўлингизким, Аллоҳнинг лаънати золимларгадир!» (Худ, 18)

Мужоҳид адолатсизликка эътиборсиз бўла олмайди.

Мужоҳид оламдаги ҳар бир нарса ўзаро боғлиқ ва яхлитлигини ва шу сабабли бир кишининг ҳатти ҳаракати, ер юзидаги инсонларнинг сони қанча бўлишидан қатъий назар, ҳаммага таъсир қилишини билади. Ва шу сабабдан бир кишининг азоб тортишини кўриб, у барча нарсани керакли тартибда жой жойига қўйиш учун ўз қиличини яланғочлайди. Аммо зулм билан курашиб, ҳеч вақт золимни айбламайди, зеро ҳар бир киши ўз амалларига Робб Таъоло ҳузурида ўзи жавоб беришини яхши билади. Чунки у шахс билан эмас, тузум билан курашади.

Ўз вазифасини адо қилиб, мужоҳид бирон бир ҳукм чиқаришдан ўзини тияди.

Мужоҳид бу дунёга бир кишини муҳокама қилиш учун эмас, балки ўз биродарларига, инсонларга ёрдам бериш учун келгандир.

Аллоҳ Таъоло айтади:

وَأَقْسِطُوا إِنَّ اللَّهَ يُحِبُّ الْمُقْسِطِينَ ﴿٩﴾

«...(мудом) адолат қилинглар! Зеро Аллоҳ адолат қилувчиларни суюр.» (Хужурот,9)

Мужоҳид, ҳам зарба бериш ва ҳам кечирш қобилияти билан неъматлангандир. Бу иккисини у моҳирона, ўз ўрнида ишлата билади.

Биродарлари орасида ўтириб: «Мен доим тўғри иш тутганман», деб айта оладиган мужоҳиднинг ўзи йўқ. Ким бундай деса, у ёки ёлғончи, ёки ўз гапларини ҳис қилишни англамайдиган бўлади. Зеро чин мужоҳидга аввалда адолатсизлик билан иш тутишга тўғри келган. Аммо кейин, ўз йўлида давом этиб, бир кун келиб Аллоҳ уни адолатсизлик қилган кишилари билан яна учраштириб қўйиши мумкинлигини тушуниб етади. Бу билан унга, инсонларга қилган ёмонлигини тузатишига имконият берилади ва ҳеч иккиланмай мужоҳид бу имкониятдан фойдаланади.

Аллоҳ таъоло Ўз китобида айтади:

﴿إِنَّ اللَّهَ يَأْمُرُ بِالْعَدْلِ وَالْإِحْسَانِ وَإِيتَايَ ذِي الْقُرْبَىٰ
وَيَنْهَىٰ عَنِ الْفَحْشَاءِ وَالْمُنْكَرِ وَالْبَغْيِ يَعِظُكُمْ لَعَلَّكُمْ تَذَكَّرُونَ ﴿٩٠﴾﴾

Шайх Шомил Абу Идрис: Мужоҳид китоби

«Албатта Аллоҳ адолатга, чиройли амаллар қилишга ва қавм қариндошга яхшилик қилишга буюрур, ҳамда бузуқлик, ёмон ишлар ва зўравонликлардан қайтаради. У зот шояд ибрат эслатма оларсизлар деб сизларга панд насиҳат қилур.» (Наҳл, 90)

Мужоҳид Умайр (р.а.)нинг сўзларини хотирлайди: «Эй инсонлар! Дарҳақиқат, Ислом бу мустаҳкам қўрғон ва маҳкам дарвозалардир. Исломнинг асосий таянчи адолатдир, унинг дарвозаси эса – ҳақиқатдир. Агар қўрғон қуласа ва дарвозалар бузилса, у ҳолда бу Диннинг обрўси ва поклиги поймол қилинади. Ҳалифанинг кучи қамчини ишлатиш ва каллаларни қилич билан узиш санъатида эмас, балки одилона ва қонуний бошқаришдадир.»

Мужоҳид доимо, қаттиқлик билан раҳм шафқат орасидаги мувозанатни сақлашга ҳаракат қилади. У доимо одилона иш тутишга ҳаракат қилади. Орзу рўёбга чиқиши учун, ирода мустаҳкам ва қувватли бўлиши керак. Ва мақсадга етгандан кейин эса, унга олиб келган йўл, аслида биз тасаввур қилган йўлга ҳар дам ҳам ўхшаш бўлмаслигини ёдда сақлаш зарур.

Шу сабабли мужоҳид, ҳам буйруқ беришни ва ҳам ҳамдард бўлишни билади.

Росулulloҳ Соллаллоҳу алайҳи васаллам айтганлар: «Жуда қаттиқ талабчанлик,(қаттиққўллик) қилувчилар ҳалок бўладилар.» (Муслим)

Аллоҳ Таъоло ҳеч вақт бандаларини тарк қилмайди, аммо Унинг белгилаб қўйган нарсаларига ақл ожизлик қилади. Буйруқ қилишни билиш, итоат қилиш каби бир хил эканлиги мужоҳидни руҳлантиради.

Мужоҳид ҳеч вақт номақбул нарсани қабул қилмайди. Ҳар қайси тилда энг асосий калималар қисқа эканлигини мужоҳид билади, яъни Худо, Ҳа, Ҳаёт.

Бу сўзлар талаффузга осон ва ўзи билан бутун борлиқни тўлдириб юборади. Лекин яна бир қисқа ва кўпчилик инсонларга талаффуз қилиш қийин бўлган бир калима бордир. Бу «йўқ» сўзидир.

Ҳеч вақт «йўқ» демайдиган кимса, ўзини бағри кенг, тушунувчан, одобли деб ҳисоблайди ва шу билан бирга бу калима эгоист, тошбағир ва жаҳлдор кимсалар учун қимматлидир.

Аммо мужоҳид бундай тузоқларга илинмайди. Ҳаётида шундай дақиқалар бўладики, у бошқаларга «ҳа» дейдию, ўзига эса шу вақтнинг ўзида «йўқ» дейди. Аммо унинг юраги «йўқ» деса, тили ҳеч вақт «ҳа» демайди.

23. Сабр

Аллоҳ Таъоло айтади:

يَتَأْتِيهَا الَّذِينَ ءَامَنُوا اسْتَعِينُوا بِالصَّبْرِ وَالصَّلَاةِ إِنَّ اللَّهَ مَعَ الصَّابِرِينَ

«Эй мўминлар, сабр қилиш ва намоз ўқиш билан (Мендан) мадад сўранглар! Албатта Аллоҳ сабр қилгувчилар билан биргадир.» (Бақара, 153)


Ўз ақл-идрокига ўта таянувчи мужоҳид, охир оқибат душманнинг кучини тўғри баҳолай олмайди. Гоҳида куч қудрат, ўтқир ҳийлага нисбатан амалий ва таъсирли эканини ёддан чиқармаслик зарур.

Шайх Шомил Абу Идрис: Мужоҳид китоби

Буқа билан жанг 15 дақиқа давом этади; лекин тезда буқа уни лақиллатишаётганини тушунади ва унинг кейинги қадами – тореадорга ташланиш бўлади. Ва бу ҳодиса рўй берса, на ҳийла, на ақл, на ишончли баҳона ва на жозиба бу фалокатни қайтара олмайди.

Шу сабабли мужоҳид унга қарши бўлган қўпол куч, қудратни эътиборга олади. Мужоҳид бу кучнинг аччиғи жазава олиб, бу тўхтатиб бўлмас шиддат қачон заифлашиб ёки ўз-ўзидан тамом бўлишини кутиб, жанг майдонидан четга чиқиб туради ва яна ҳужум қилади.

Аллоҳ Таъоло айтади:

 كَم مِّن فِئَةٍ قَلِيلَةٍ غَلَبَتْ فِئَةً كَثِيرَةً بِإِذْنِ اللَّهِ وَاللَّهُ مَعَ الصَّابِرِينَ

«Аллоҳга рўбарў бўлишларига ишонадиган зотлар: «Қанчадан қанча кичкина гуруҳлар Аллоҳнинг изни билан катта гуруҳлар устидан ғалаба қилган. Аллоҳ сабр қилгувчилар билан биргадир», дедилар.» (Бақара, 249)

Мужоҳид ўзидан кучли бўлган душманни ажрата олади. Агар у билан юзма-юз учрашса тезда ҳалок бўлишини мужоҳид яхши тушунади. Агар унинг ҳийласига алданса, тузоққа тушади. Ва шу сабабли бу қийин вазиятдан чиқишлик учун мужоҳид, душман ҳоҳлаган ишни эмас, балки ўзига фойдали йўлни тутади. Душман қачон ўзини беақл гўдак каби тутса, у ҳам ўзини шундай тутади. Қачон душман уни жангга чақирса, мужоҳид ўзини эшитмаганга ёки тушунмаганга солади.

Одамлар: «У қўрқди», - дейдилар.

Чечен мақолида: «Чўққа хуриллайди, жиҳод кетаверади», дейилган.

Мужоҳидга одамларнинг фикри эътиборсиздир, зеро у; очиқ жангда қушчанинг қаҳри ва жасорати, уни мушукнинг чангалидан сақлай олмаслигини яхши билади.

Бундай ҳолатларда мужоҳид сабр билан ғамланади, душман тезроқ бошқа ўлжани қидириб кетади ёки мужоҳид билан очиқ олишишга эришишдан кўра «чанг ютиш»га мажбур бўлади.

Доим ёдингда тут: сен нима билан машғул бўлсанг ҳам, нима қилсанг ҳам, ўз олдингда турган вазифани бажариш учун имконият ва мақсадга етишга керакли воситаларни кутиб туриш зарур бўлади.

Бирон – бир натижага эришишга кучи етмай, ундан бош тортишини овоза қилувчи кимсалар, уни ғулғулага солишига мужоҳид йўл қўймайди.

«Тепага илиб қўйилган ёғ бўлагига сакрай олмаган тулки: у менга керак эмас, ҳатто у ширин бўлмаса ҳам керак, деган экан», деб чечен мақолида нақл қилинади.

Аллоҳ Таъоло айтади:

يَتَأْتِيهَا الَّذِينَ آمَنُوا أَصْبِرُوا وَصَابِرُوا وَرَابِطُوا وَاتَّقُوا اللَّهَ لَعَلَّكُمْ

تُقْلِحُونَ ﴿٢٠٠﴾

«Эй мўминлар, сабр қилингиз ва сабру тоқат қилишда (кофирлардан) устун бўлингиз ҳамда доимо (кураш – жиҳод учун белингиз боғлиқ ҳолда) ҳозир бўлиб турингиз! Ва Аллоҳдан қўрқингизким, (шунда) шояд нажот топгайсизлар!» (Оли Имрон, 200)

24. Қўрқув

Аллоҳ айтади:

سَنُلْقِي فِي قُلُوبِ الَّذِينَ كَفَرُوا الرُّعْبَ بِمَا أَشْرَكُوا بِاللَّهِ مَا لَمْ يُنَزَّلْ
بِهِ سُلْطَانًا وَمَأْوَاهُمُ النَّارُ وَبِئْسَ مَثْوَى الظَّالِمِينَ ﴿١٥١﴾

«(Тангри эканлигига) ҳеч қандай ҳужжат-далил келмаган нарсани (яъни жонсиз бутларни) Аллоҳга шерик қилганлари сабабли кофирларнинг дилларига қўрқув солажакмиз. Уларнинг борар жойлари жаҳаннамдир, зулм қилгувчиларнинг жойлари нақадир ёмон жой!» (Оли Имрон, 151)

Росулулоҳ Соллаллоҳу алайҳи васаллам айтганлар: «Икки кўзга дўзах ўти ҳаром: Аллоҳдан қўрқиб йиғлаган ва кечани Аллоҳ йўлида қоровулликда ўтказган кўз». (Термизий)

Мужоҳид ҳеч вақт ваҳимага тушмайди. Қочишлик ҳимоянинг энг зўр усули бўлиши мумкин, аммо бу усулни қўрқув – ваҳима босганда ишлатиб бўлмайди.

Икки йўлдан бирини танлаш рўбарасида, мужоҳид жангсиз қочиб кетиб бу билан душманга каттароқ ва ўринсиз, ноҳақ куч – қувват келтиргандан кўра мағлубиятга учраб, сўнг олган жароҳатларини даволашни маъқул кўради.

Аллоҳ Таъоло Қуръони Каримда айтади:

فَلَا تَخْشَوْهُمْ وَأَخْشَوْنِ

«...бас, улардан қўрқмангиз. Мендан қўрқингиз!»
(Моида, 3)

Муҳим қарорлар қабул қилиш вақтида мужоҳид хато қилишдан хавфсирайди, аммо унга танлаш зарур бўлса, қўрқмай «ҳа» дейди. Аммо агар «йўқ» дейиш керак бўлса, хавфсираб айтади. Мужоҳид дунё, бутун дунё олдида қўрқувга бурканганини билади. Бу қўрқув икки тусда: ёки жанговор ҳарбий шиддат орқали ёки сўзсиз итоат орқали кўринади. Бу бир танганинг икки томонидир.

Ва шу сабабли, унга даҳшат солувчи кимсага дуч келганда, бу киши шунчалик ишончсизлик билан бурканганини мужоҳид ёдида тутади. У бунга ўхшаш тўсиқларни босиб ўтган, шу каби қийинчиликларга дуч келган. Аммо нега бўлмасам у кучлироқдир? Чунки у киши ўз қўрқувини тормоз ҳолатда эмас, балки мотор шаклида ишлатади. Ва мужоҳид душманидан ўрганади ва қўрқув уни тўхтатишига йўл қўймайди.

Қийин ва ачинарли дақиқаларда, ютуқнинг ҳатто бўйи келмайдиган ҳолатларда мужоҳид ўзини хотиржам ва мардона, яъни Аллоҳга таваккул қилиб, қаҳрамонларча тутади.

25. Хотиржамлик

Аллоҳ Таъоло айтади:

إِنَّ اللَّهَ يُحِبُّ الَّذِينَ يُقَاتِلُونَ فِي سَبِيلِهِ صَفًا كَانَتْهُمْ بُنْيَانٌ مَرَّضُونَ

«Албатта Аллоҳ Ўзининг йўлида гўё туташ бинолардек бир сафга тизилган ҳолларида жиҳод қиладиган зотларни севар.» (Соф, 4)

Росуллоҳ Соллаллоҳу алайҳи васаллам айтганлар: «Эй инсонлар! Ўзларингизга хотиржамликни лозим тутинглар, зеро шошқалоқликда хайр йўқдир.» Бухорий, Муслим)

Мужоҳид доимо хотиржамдир – дунёдаги бирон бир нарса уни кўрқита олмайди ва бирон бир нарса уни тўхтатишга қодир эмас, зеро у Тўғри йўл устида ва ҳақиқат у билан биргадир. Вақт унга хизмат қилади, ва у буни билиб, сабрсизликни жиловлашни ўрганади ва бемулоҳаза ҳатти ҳаракатлардан сақланади.

Мужоҳид ҳеч вақт шошқалоқлик қилмайди. Унинг қадами босиқ ва мустаҳкамдир. У, бутун инсониятнинг тақдирини ҳал қилувчи лаҳза яқин қолгани ва дунёни ўзгартиришдан аввал ўзини ислоҳ қилиши кераклигини яхши билади.

Мужоҳид ҳеч вақт пишиб етилмаган мевани узмайди.

Буюк жангчи сабр қилади ва ҳақорату маломатларга парво қилмайди, зеро у муштининг оғирлиги ва зарбасининг

кучини билади. Жангга тайёргарлик кўрмаган душманга рўбарў бўлиб, мужоҳид унинг кўзларини энг тубига назар ташлайди ва жисмоний кучини ишлатмай туриб, уни енгади.

Мужоҳид биродарларидан қанчалик кўп таълим олса, шунчалик унинг кўзларида иймон нури янада равшанлашади ва у ҳеч кимга ҳеч нимани исботлашга муҳтож эмас. Ва унга; Худо – бу хурофот, Жиход – бу терроризм, Шариат эса – ўрта аср қолдиғи ва куфрнинг ҳарбий қуввати олдида тиз чўкиш керак деб таъкидловчи душманнинг жанговор вазу далиллари эътиборсиздир. Мужоҳид ўзининг, холис иймонга асосланган қувватининг қанчалик енгилмас эканини ҳис қилади ва ҳеч вақт тўғри йўлдан бурилмайди.

Пайғамбар Соллаллоҳу алайҳи васаллам : «Эй Зайд, сенда Аллоҳ ва Росули яхши кўрадиган икки хислат бор,» дедилар. Зайд (р.а.): « Ё Росулulloҳ Соллаллоҳу алайҳи васаллам қайси сифатлар?», деб сўрадилар.

«Вазминлик- босиқлик ва ҳалимлик», деб жавоб бердилар.

26. Нафрат

Аллоҳ Таъоло айтади:

مُحَمَّدٌ رَّسُولُ اللَّهِ وَالَّذِينَ مَعَهُ أَشِدَّاءُ عَلَى الْكُفَّارِ رُحَمَاءُ بَيْنَهُمْ

«Муҳаммад Аллоҳнинг пайғамбаридир. У билан бирга бўлган (мўмин)лар кофирларга қаҳрли, ўз ораларида (мўминлар билан) эса раҳм- шафқатлидирлар.» (Фатҳ, 29)

Мужоҳид ҳаётга кек ва хадиксирашсиз қарайди.

Шайх Шомил Абу Идрис: Мужоҳид китоби

У жанга отланиб, ҳар бир киши то ўлгунича тўғри йўлга қадам қўйишга Аллоҳ тарафидан берилган имкониятга эга эканлигини ёдида тутати. Аллоҳнинг фазлу раҳмати билан шундай бўлиши ҳам мумкинки, сенинг энг ашаддий душманинг бир кун келиб, сенга қадрдон биродар бўлиб қолиши мумкин.

Аллоҳ айтади:

خُذِ الْعَفْوَ وَأْمُرْ بِالْعُرْفِ وَأَعْرِضْ عَنِ الْجَاهِلِينَ ﴿١٩٩﴾

«(Эй Муҳаммад), марҳаматли бўлинг, яхшиликка бююринг ва жоҳиллардан юз ўгилинг!» (Аъроф, 199)

Бир кун Абу Дардо (р.а.) кўчада бир тўп одамлар бир кишини ҳақоратлаб дўппослаётганини кўрди. Абу Дардо (р.а.) уларнинг олдига келиб: «Нима гап?», деб сўради. Одамлар: «бу киши катта гуноҳ иш қилган», дейишибди. Абу Дардо: «Агар бу киши қудуққа тушиб кетса, сизлар уни чиқариб олармидингиз?»деб сўрабдилар. «Ҳа, албатта,» деб одамлар жавоб берибди. Шунда Абу Дардо (р.а.): «Уни сўкманглар ва урманглар, балки ўргатинглар ва насиҳат қилинглар. Сизларни шундай гуноҳ иш қилишдан сақлаб қўйган Аллоҳга ҳамду сано айтинглар», дебдилар.

Одамлар у кишидан: « Ахир сен ундан нафратланмайсанми?» деб сўрашди. Абу Дардо: « Мен унинг қилган ишидан нафратланаман. Агар у ўз гуноҳ ишларини тарк қилса, менинг биродарим бўлиб қолади», деб жавоб бердилар. Гуноҳкор киши хўнграб йиғлаб юборди ва ўзининг тавба қилганини айтди.

Мужоҳид, нафратланиш туйғуси унинг юрагини қорайтиришига ҳеч вақт йўл қўймайди. Ва у яна, авф этишлик билан ҳамма нарсани қабул қилаверишлик бир хил нарса эмаслигини ҳам билади. Мужоҳид, бошини эгиши тўғри эмаслигини, зеро у ҳолда ўз назаридан ҳам душманни ва ҳам ўз орзуларининг кенг уфқ доирасини йўқотиб қўйишини билади.

27. Иймон

Аллоҳ Таъоло айтади:

إِنَّمَا الْمُؤْمِنُونَ الَّذِينَ إِذَا ذُكِرَ اللَّهُ وَجِلَّتْ قُلُوبُهُمْ وَإِذَا تُلِيَتْ عَلَيْهِمْ
آيَاتُهُ زَادَتْهُمْ إِيمَانًا وَعَلَىٰ رَبِّهِمْ يَتَوَكَّلُونَ ﴿٢﴾

«Фақат Аллоҳ (номи) зикр қилинганида қалбларига кўрқинч тушадиган, Унинг оятлари тиловат қилинганда иймонлари зиёда бўладиган ва Парвардигорларигагина суянадиган кишилар (ҳақиқий) мўминдилар». (Анфол, 2)

Пайғамбаримиз Соллаллоҳу алайҳи васаллам дан сўрашди: «Энг яхши амал қайси?» У киши: «Аллоҳга ва Росулига иймон келтириш!» Яна сўрашди: «Бундан кейинчи?». «Аллоҳ йўлидаги жиҳод!», деб жавоб бердилар.

Мужоҳид қуролни ишлатишни ўрганиб олгандан сўнг, унга ҳарбий кийим – бошу, совутлар ҳам кераклиги аён бўлади. У қидирувга тушади. Сотувчилар ўз молларини тавсия қиладилар. «Ёлғизлик совутини ол», дейди бири.

Шайх Шомил Абу Идрис: Мужоҳид китоби

Иккинчиси гапни бўлиб: «Ҳаёсизлик, сурбетлик қалқони билан ёпиниб ол», дейди.

Учинчиси: «Энг яхши қурол – аслаҳа ҳеч нимага аралашмаслик», деб таъкидлайди.

Лекин жангчи бу гапларга қулоқ солмайди. Дадил ва ҳаяжонланмай, у учун муқаддас саналган жойга боради ва мустаҳкам иймон пардасига бурканади. Иймон ҳар қандай зарбалардан сақлайди. Иймон захарни ҳам покиза суюқликка айлантиради.

Дўстлари мужоҳиддан, у ўз энергиясини қаердан олишини сўрайдилар.

«Аллоҳнинг Ўз бандасига бўлган чексиз раҳматига ва У бандасини Ўзининг Тўғри йўлида ёрдаму, кўмаксиз қўймаслигига бўлган иймону ишончдан. Ва Аллоҳнинг фазлу марҳамати билан сен якка ҳолда бутун оламини енгишинг мумкин» деб жавоб беради.

Иймон – мужоҳиднинг куч, қувват манбаидир.

У ўтмишни ёдида тутати. Инсоният тарихига у туфайли ўтмишнинг баъзи шарафли саҳифалари битилган «руҳий изланиш» нима эканлиги мужоҳидга маълумдир. Бу тарих фақат энг шарафли эмас, балки энг жирканчли – ширк, куфр, жаҳолат, Аллоҳдан ўзгага қилинган қурбонликлар ва хунрезликлардан иборатдир.

Инсонлар руҳий изланишни ҳар хил мақсадларда қўллашган ва унинг муқаддасотлари кўпчилик ҳолатларда ёвуз ниятлар учун паноҳгоҳ бўлиб хизмат қилганлигини ҳам мужоҳид билади.

«Мевасига қараб дарахтни билиб оласизлар», деганлар Исо (а.с.). Мужоҳид бу қоидага амал қилади ва ҳеч вақт адашмайди.

Неча бор мужоҳид: «Бу йўл ҳақиқат эканлигини мен қаердан биламан?» каби гапларни эшитишига ва бу саволга жавоб топмай, ўзгаларнинг гапига кириб жиҳодни тарк этган кишиларни кўришига тўғри келган. Аммо иймон масалаларида кўпчилик қонуни ишламайди.

Ва мужоҳид шак шубҳа қилмайди, зеро у энг тўғри ва ҳаққоний бўлган ҳаёт мезони- Қуръонга амал қилади. Аллоҳ Таъоло Ўз китобида айтади:

وَتَزَوَّدُوا فَإِنَّ خَيْرَ الزَّادِ التَّقْوَىٰ

«Энг яхши озуқа (яъни ўзингиз билан бирга бўлиши лозим бўлган энг яхши нарса) Аллоҳдан кўрқишдир.» (Бақара, 197)

Мужоҳид узоқ вақт уйқуда эди ва ҳозир аста секин уйғониб, ҳақиқат нурига кўникяпти. Бу нур уни хавотирлантирмайди ва у Тўғри йўлни қабул қилади, ҳатто бунинг орқасидан жафо чекишга, муҳтожликка сабр қилишга ва ўз ҳаётини хавф остига қўйишга тўғри келса ҳам.

«Қандай ажойиб иймон!» дейди дўстлари.

Бу сўзлардан мужоҳид бир неча дақиқага ғурур ва ифтихорга тўлади, аммо қалбидаги иймони у даражада бўлмаганидан уни шу заҳоти шарму ҳаё ушлайди. Бу лаҳзада фариштаси унга: «Сен бор йўғи Аллоҳнинг бандасисан

Шайх Шомил Абу Идрис: Мужоҳид китоби

холос, мағрурланишинга ва шу билан бирга ўзингни айбдор ҳисоблашинга ҳам асос йўқ. Сен фақат қувонишга ҳақлисан.»

Ва мужоҳид, ўзини Оламлар Роббисининг оддий бир кули эканлигини фахмлаб, хотиржамлик ва ишончга тўлади.

Росулulloҳ Соллаллоҳу алайҳи васаллам айтдилар: «Мўмин киши то жаннатга киргунча яхшилик (қилишдан)ка тўймади.» (Термизий)

Мужоҳид бошқалар хусусида ғийбат қилмайди, чунки бир киши хусусида айтилган барча нарса, бу киши адоватлашган кишилар қулоғига заҳарланган қаҳру ғазаб заряди билан етиб боришини у яхши билади. Ва шу сабабли мужоҳид ўз биродари ҳақида гапирса, гўё у ҳозир унинг ёнида туриб, ҳар бир сўзни эшитяпти деб тасаввур қилади.

28. Ҳис қилиш туйғуси

Мужоҳид, ҳис қилиш туйғуси қанчалик муҳим эканлигини яхши билади. Аллоҳ Таъоло аитади:

سَيُهَـزَمُ الْجَمْعُ وَيُوَلُّونَ الدُّبُرَ ﴿٤٥﴾ بَلِ السَّاعَةُ مَوْعِدُهُمْ وَالسَّاعَةُ أَذَىٰ

وَأَمْرٌ ﴿٤٦﴾

«Яқинда ўша жамоа енгилиб, ортларига қараб қочиб қолурлар! (Бугина эмас), балки уларга (мангу азоб учун) ваъда қилинган вақт (Қиёмат) соатидир. У соат янада балолик, янада аччиқдир!» (Қамар, 45,46)

Жанг қизиган пайтда, душманнинг ҳужумини қандай қилиб қайтариш ҳақида фикр юритишга вақт йўқлигида, мужоҳид ички ҳис қилиш сезгиси билан ҳаракат қилади ва уни муҳофаза қилувчи фаришталарига бўйсунеди.

Тинчлик вақтида у, Аллоҳ тарафидан юборилган оят аломатларнинг маъносини тушунишга ҳаракат қилади.

Аллоҳ Таъоло айтади:

وَمِنْ آيَاتِهِ مَنَامُكُمْ بِاللَّيْلِ وَالنَّهَارِ وَآبَتِغَاؤُكُمْ مِّنْ فَضْلِهِ ۗ

«Унинг оятларидан (яна бири) – кечаси ва кундузи ухлашларингиз ҳамда (кундузлари) Унинг фазлу марҳаматидан (ризқу рўз) иташларингиздир.» (Рум,23)

Илҳом ва туш кўриш – бу, Аллоҳ Таъоло у орқали бизларга тақдир қилган нарсасини озгина бўлсада очиб берувчи алифбо эканлигини мужоҳид яхши билади.

Муҳаммад Соллаллоҳу алайҳи васаллам айтганларидек: «Энг тўғри тушларни, ичингиздаги энг ростгўй кишилар кўради.»

Ибни Умар (р.а.): « Қачон мен Умар (р. а.)нинг бир нарса хусусида: «албатта, мен шундай бўлади деб ўйлайман», деганини эшитсам, ҳақиқатда ҳам у ўйлагандек бўлар эди.» (Бухорий)

Мужоҳид ҳал қилувчи жанг олдидаги сукунатни билади. Ва бу жимжитлик унга: «Барча нарса тўхтади. Жангни эсдан чиқариб, вақтичоғлик қилган яхши эмасми?» дегандек

Шайх Шомил Абу Идрис: Мужоҳид китоби

бўлади. Тажрибасиз мужоҳидлар бундай дақиқаларда қуролларини қўядилар, бўшашадилар ва зерикяпман деб нолийдилар. Эски мужоҳид эса, ҳозир қаердадир нимадир рўй беришини билиб, бу сукунатга кулоқ солади. Ҳаммаёқни вайрон қилувчи зилзилалар огоҳлантирмай келишини мужоҳид билади. Унга кечки ўрмон бўйлаб юришга тўғри келган ва у ушбу аниқ аломатни ёдида тутати; яъни, агар қуш ва ҳайвонларнинг овози келмаса, демак ҳавф хатар яқин атрофда.

Ва бошқалар суҳбатлашиб ўтирганда, мужоҳид қуролни ишлатиш қобилиятини ва унинг тозалигини мукаммаллаштиради ва горизонтдан кўзини узмайди.

Жанговор ҳаракатлар ўз атрофида улкан энергияни келтириб чиқаради ва ҳам ғалаба, ҳам мағлубият ҳар иккиси юз бериши мумкин бўлган вақт келади. Ким ютгани ва ким бой берганини вақт кўрсатади, лекин мужоҳид, бу дақиқадан кейин у ҳеч нарса қила олмаслигини билади, чунки жанг тақдирини Аллоҳнинг қўлидадир. Бундай дақиқаларда мужоҳид жанг натижаси ҳақида ташвишланмайди, бу уни безовта қилмайди.

Ахир Аллоҳ Ўз китобидида айтганку:

نَفْسٌ مَّاذَا تَكْسِبُ غَدًا وَمَا تَدْرِي نَفْسٌ بِأَيِّ أَرْضٍ تَمُوتُ

وما تَدْرِي

«Бирон жон эртага нима қилишини била олмас. Бирон жон қай ерда ўлишини ҳам била олмас.» (Луқмон, 34)

Росулulloҳ Соллаллоҳу алайҳи васаллам эса: «Фолбиннинг олдига бориб бирон нарса ҳақида сўраб, унга ишонган кишининг намози 40 кун давомида қабул бўлмайди». (Муслим)

Мужоҳид юрагига кулоқ тутади ва ундан: «Бу Ҳақ Жанг бўлдими, мен тўғри жанг қилдимми?» деб сўрайди. Агар юраги унга қониқарли жавоб берса, у дам олади. Агарда жавоб салбий бўладиган бўлса, у қуролини олади ва яна тайёргарлик кўради.

29. Истироҳат

Аллоҳ Таъоло айтади:

ثُمَّ جَعَلْنَاكَ عَلَىٰ شَرِيعةٍ مِّنَ الْأَمْرِ فَاتَّبِعْهَا وَلَا تَتَّبِعْ
أَهْوَاءَ الَّذِينَ لَا يَعْلَمُونَ ﴿١٨﴾

«Сўнгра (эй Муҳаммад), Биз сизни (дин) ишидан бир шариат (аниқ-равшан йўл) устида (барқарор) қилдик. Бас, сиз (фақат мана шу йўлга) эргашинг ва билмайдиган кимсаларнинг ҳавойи нафсларига эргашманг!» (Жосия, 18)

Пайғамбар Соллаллоҳу алайҳи васаллам айтдилар: «Сизларга (кўп) ерлар фатҳ қилиб берилади, ва Аллоҳ сизларни душманлардан муҳофаза қилади, бас сизлардан ҳеч ким найзалари билан эрмак қилишни тарк этмасин.» (Муслим)

Шайх Шомил Абу Идрис: Мужоҳид китоби

Жанглар орасидаги бўш вақтларда мужоҳид истироҳат қилади. Кўпинча, ўз юрагининг талабини бажариб, у кун бўйи беҳаракат ҳолда қолади, лекин унинг руҳи бедор ва у доимо ҳушёр ва огоҳдир.

Охир оқибат, торнинг симлари доимий равишда таранг тортилган ҳолда бўлса, нотўғри товуш чиқара бошлайди. Тўхтовсиз суъратда жанговор санъат билан машқ қилувчи мужоҳидлар, жанг вақтида тез қарор қабул қилиш қобилиятини йўқотадилар. Кунма кун тўсиқларни ошиб ўтувчи от, оёғини синдиради. Канопи бирон лаҳза бўшатилмайдиган камон, ўқни аввалги куч билан нишонга отмай қўяди.

Шунинг учун мужоҳид бунга майл қўймаган бўлса ҳам, ҳар куннинг арзимас нарсаларида ўзига истироҳат топишга ҳаракат қилади.

Мужоҳид ўз биродарлари билан гулхан атрофида ўтиради. Улар ўз ғалабалари ҳақида гапирадилар ва гулханга яқинлашган ансорларни хурсандлик билан қабул қиладилар, зеро уларнинг ҳар бири ўз ҳаёти ва Ҳақ учун бўлган курашда қатнашганлиги билан фахрланади. Мужоҳид кўтаринки руҳ билан ўз ҳаёт йўли ҳақида гапирди, у ёки бу чақириқни қабул қилганини, унга қандай жавоб берганини, баъзи дақиқаларда унда туғилган ечимлар ҳақида ҳикоя қилиб беради. Ва унинг сўзлари завқу шавқ билан уфуриб туради. Гоҳида у озгина муболағага йўл қўяди. Утган авлодлари ҳам вақти- вақти билан бунга йўл қўйишганлигини ёдида сақлайди.

Баъзан мужоҳид ўзини ёш гўдак сингари тутди. У, ёш бола шўхлик қилиши, ўйнаши, ҳар ҳил содда (гўл) саволлар бериши мумкинлигини эсидан чиқариб юборган инсонларни

хайратга солади ва у, бу айбсиз хурсандчилик ила дам олади.

30. Бурч

Аллоҳ Таъоло айтади:

فَأَصْدَعْ بِمَا تُؤْمَرُ وَأَعْرِضْ عَنِ الْمُشْرِكِينَ ﴿٩٤﴾

«Бас, сиз ўзингизга буюрилган ишни (яъни, Ҳақ динга даъват қилишни) юзага чиқаринг ва мушриклардан юз ўгиринг!» (Ҳижр, 94)

Гоҳида мужоҳид: «Ҳа, бир қарорга келишдан аввал, мен ҳамма нарсани тушуниб олишим керак. Мен ўз фикрларимни ўзгартириш ихтиёрига эга бўлишни истайман», деган гапларни эшитади. Мужоҳид бундай гапларни хайрат ва таажжуб билан қабул қилади. У ҳам шундай эркинликка эгадир, аммо бу, унинг баъзи мажбуриятларни бажаришига тўсқинлик қилмайди.

Мужоҳид Абу Талҳа (р.а.)нинг ўз бурчини ўташ ҳиссига тан беради. Усмон (р.а.) ҳалифалиги даврида у киши оғир денгиз жиҳодига тайёргарлик кўра бошлайди, шунда ўғиллари унга: «Аллоҳ Таъоло сиздан рози бўлсин, эй ота! Сиз анча қаридингиз. Сиз Росулulloҳ Соллаллоҳу алайҳи васаллам , Абу Бакр ва Умар (р.а.)лар давридаги жиҳодларда иштирок этдингиз. Энди дам олинг, сизнинг ўрнингизга биз жиҳод қиламиз.»

Ота уларга: **«Дарҳақиқат, Аллоҳ: «(Эй мўминлар), хоҳ энгил, хоҳ оғир ҳолингизда (яъни, истасангиз,**

Шайх Шомил Абу Идрис: Мужоҳид китоби

истасамангиз жиҳодга) чиқингиз ва молу жонларингиз билан Аллоҳ йўлида курашингиз!» дейди. Бу эса, ҳар бир киши жиҳодда иштирок этиши кераклиги, шу жумладан қария-ю ёшлар, ва бунда инсонларнинг ёш чегаралари белгиланмаган», дедилар.

Ва Абу Талҳа (р.а.) бу юришда, инша Аллоҳ шаҳид бўлдилар.

Росулulloҳ Соллаллоҳу алайҳи васаллам айтдилар: «Аллоҳ йўлида бирон- бир нарсани инфоқ қилган кишига бунинг 700 баробари ёзилади.» (Термизий)

Мужоҳид бир қарорга келиб, уни бажаради. Унинг кўнгли осмондаги булутлар каби эркин озод, аммо ўзи эса бурчи сабабли эркин эмас. Ўз ихтиёри билан танлаган йўлида, нафсига ёқмайдиган соатларда уйғониши, унинг илмини заррача оширмайдиган кишилар билан мулоқот қилишига тўғри келади. Вақти-вақти билан у баъзи нарсалардан воз кечишига тўғри келади.

«Сен – эркин, озод эмассан», дейди унга дўстлари.

Мужоҳид ҳур озоддир. Аммо у, эшиги очиқ печка (тандир)да нон пишириш қийин эканлигини билади.

31. Майда чўйдалар.

Аллоҳ Таъоло айтади:

وَتَحْسَبُونَهُ هَيِّئًا وَهُوَ عِنْدَ اللَّهِ عَظِيمٌ ﴿١٥﴾

«...буни енгил иш деб ўйлар эдингизлар. Ҳолбуки у Аллоҳ наздида улуғ (гуноҳдир).» (Нур: 15)

Мужоҳид майда чуйдаларга эътибор беради, зеро улар, воқеаларнинг одатий кечиш жараёнини бузиб юбориши мумкинлигини билади.

«Шайтон майда чуйда нарсалардадир!» - дейилади қадимги маталда.

Мужоҳид, «бизлар кунлар, соатлар тушунчаларини ташлаб, ҳар бир дақиқага хушёрлик билан қарашимиз керак», деб ўргатувчи Лао Цзини сўзига эътибор беради. Ана шундагина мужоҳид баъзи муаммоларни, улар келиб чиқмасидан туриб, ҳал қила олади, яъни майда чуйда нарсаларга эътибор бериб, улкан изтиробу зиёнлардан сақланиб қолади. Аммо майда нарсалар ҳақида ўйлашлик, бу пасткашлик, назари паст бўлишлик эмас.

Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи васаллам айтганларидек: «Ортиқча синчковлик қилувчилар ҳалок бўлдилар». (Муслим)

Беҳад ташвишланиш эса ҳаётдан шодликнинг кичик шуъласини ҳам йўқ қилиши мумкин. Худди офтоб нури миллион шуълалардан ташкил топгани каби, олий орзу ҳам кўплаб ҳар хил нарсалардан иборат эканлигини мужоҳид билади.

Майдагина зирапча мусофирни ўз сафарини тўхтатишга мажбур қилиши мумкин. Оддий кўз билан илғаб бўлмайдиган ҳужайра соғлом этни бузиши мумкин. Ўтмишда бошдан ўтказган кўрқув лаҳзасини эслаб туриш, кўрқувнинг ҳар кун эрта билан эсга тушишига олиб келиши мумкин. Секунднинг маълум оз қисми давом этган имиллаш, мужоҳиднинг бағрини душманнинг нобуд қилувчи зарбасига очиб беради.

Шайх Шомил Абу Идрис: Мужоҳид китоби

Мужоҳид ҳеч вақт майда нарсаларга менсимай қарамайди. Шу сабабли, у гоҳида ўзига нисбатан қаттиққўл бўлади.

32. Дадиллик.

Мужоҳид ҳар доим ҳам дадилликни сақлаб тура олмайди. Шундай дақиқалар бўладик, ҳеч бир нарсага умуман ишонмайди ва ўз юрагига савол беради: «Наҳот шундай кўп тиришиб ҳаракат қилиш керак бўлса?». Аммо юраги миқ этмайди. Ва мужоҳид ўзи учун ҳал қилиши керак бўлади. Шунда у Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи васаллам ва асхоблар ҳаётидан намуна, мисоллар қидира бошлайди. Ва улар ҳам Аллоҳ тарафидан Сиротим Мустақим йўлида тайёрлаб қўйилган синовлардан тўла миқёсда ўтишлик учун шу каби имтиҳонларга дуч келганликларини мужоҳид эслайди. Уларга ҳам қўрқувга тушиб, руҳий тетикликни йўқотишга ва Аллоҳдан ёрдам ва ғалабани сўраб дуо қилишга тўғри келган.

Аллоҳ бу ҳақида Ўз китобида айтади:

أَمْ حَسِبْتُمْ أَنْ تَدْخُلُوا الْجَنَّةَ وَلَمَّا يَأْتِكُمْ مَثَلُ الَّذِينَ خَلَوْا مِنْ قَبْلِكُمْ
مَسَّتْهُمُ الْبَأْسَاءُ وَالضَّرَّاءُ وَزُلْزِلُوا حَتَّى يَقُولَ الرَّسُولُ وَالَّذِينَ آمَنُوا
مَعَهُ مَتَى نَصُرُ اللَّهُ أَلا إِنَّ نَصْرَ اللَّهِ قَرِيبٌ ﴿٢١٤﴾

«Ёки (эй мўминлар), сизлардан илгари ўтган зотлар ибрати сизларга келмай туриб жаннатга киришни ўйладингизми? Уларга бало ва мусибатлар (устма уст) келиб, шундай ларзага тушган эдиларки, ҳатто пайғамбар ва иймонли кишилар: «Ахир Аллоҳнинг ёрдами қачон келади?» дейишган эди. (Шунда) уларга бундай жавоб бўлган эди: «Огоҳ бўлингизким, Аллоҳнинг ёрдами яқиндир». (Бақара: 214)

Ҳа, улар тўхташмаган, сабр қилишган ва олдинга юришган. Мужоҳид қандайдир дақиқага дадилликни йўқотса ҳам олдинга юришда давом этади ва охир оқибат, йўқотган нарсасини қўлга киритади, чунки у, нима истагини билади.

33. Одамларга ишониш.

Аллоҳ Таъоло айтади:

وَأَمْرُهُمْ شُورَىٰ بَيْنَهُمْ

«...Уларнинг ишлари (мудом) ўзаро шўро маслаҳат (билан) бўлур.» (Шўро: 38)

Мужоҳид – ишонувчандир. Вақти вақти билан у, бунинг сабабидан аччиқ пушаймон бўлади. Гоҳида у азоб тортади.

Инсонларга ишониш муҳимдир, ва мужоҳид кўнгли совушидан чўчимади, зеро ўз куралининг қуввати ва муҳаббатининг кучини билади. Лекин шунга қарамай у, ўз имконият чегарасини ҳам билади. Аллоҳнинг аломату ишораларини кўриб, ва фаришталарнинг, ўз яқинларимиз

Шайх Шомил Абу Идрис: Мужоҳид китоби

тили орқали бизларга ёрдам беришини англаш – бу бир нарса бўлса. Ва, мустақил равишда бирон иш қилишга қодир бўлмай ва у ёки бу ҳолатларда қандай иш тутиш кераклигини бошқаларнинг бизларга айтиши учун доимий равишда интилиш бошқа нарсадир. Маъсулиятдан қочишга интилиш билан бир кишига бўлган ишончни, бир бирига чалкаштирмаслик зарур.

Мужоҳид бошқаларга ишонади, зеро энг аввал ўзига ишонади.

«У нега бунчалик ишонувчан бўлмаса», - деган сўзларни кўпинча орқасидан эшитади. Аммо мужоҳид, у, доим ютуқда қолишини билади. Ҳар бир мағлубиятга иккита ғалаба тўғри келади. Буни Аллоҳ Таъолонинг раҳматига ишонган ҳар бир киши билади.

Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам жанга кетаётган мужоҳидларга: «Динингизни, омонатингизни ва амалларингизнинг хотимасини Аллоҳга топшираман!», дер эдилар.

Мужоҳид ишончга лойиқдир. Баъзан у ўйламасдан қадам қўяди; гоҳида ўзини ҳақиқатдагига нисбатан жуда аҳамиятли киши деб ҳисоблайди. Аммо у ёлғон гапирмайди.

Биродарлари даврасида ўтириб, улар билан суҳбатлашади. Унинг ҳар бир сўзини, ҳаёти ва амалларининг далили сифатида фаришталарнинг ёзиб туришини билади.

«Нега мен бунчалик кўп гапиряпман, ахир гоҳида гапирган сўзларимга амал қила олмайманку?» деб мужоҳид фикрлайди.

«Вақти ки сен одамлар олдида очик ойдин ўз қарашларингни ҳимоя қилар экансан, беихтиёр равишда уларга мувофиқ яшашга мажбур бўласан», деб юраги унга жавоб беради.

Ва, модомики, унинг сўзлари – фикру ҳаёлининг ҳақиқий ва ўзгармас маҳсули бўлганидан, охир оқибат мужоҳид ўзи айтаётган кишига айланади.

34. Тайёргарлик.

Робб Таъоло айтади:

وَأَعِدُّوا لَهُمْ مَا اسْتَطَعْتُمْ مِنْ قُوَّةٍ وَمِنْ رِبَاطِ الْخَيْلِ
تُرْهِبُونَ بِهِ عَدُوَّ اللَّهِ وَعَدُوَّكُمْ وَآخِرِينَ مِنْ دُونِهِمْ لَا تَعْلَمُونَهُمْ
اللَّهُ يَعْلَمُهُمْ

«(Эй мўминлар) улар учун имконингиз борича куч ва эгарланган отларни тайёрлаб қўйингизки, бу билан Аллоҳнинг ва ўзларингизнинг душманларингизни ҳамда улардан ташқари сизлар билмайдиган, Аллоҳ биладиган бошқа бировларни ҳам қўрқувга солурсизлар.» (Анфол: 60)

Вақти вақти билан жанг тўхташини мужоҳид билади. Ва бу ҳолатда у жангни тезда бошқатдан бошлашга ҳаракат қилмайди; аксинча сабр қилиб, куч қувват келгунча кутиб туриш кераклигини билади. Жанг майдонида жимлик ҳукм сурганида, мужоҳид юрагининг уриш маромига қулоқ тутати.

Шайх Шомил Абу Идрис: Мужоҳид китоби

У, асаблари таранглашганини билади. У, ҳаяжонда эканлигини ҳис қилади. Мужоҳид ҳаётида мувозанат ўрнатишга ҳаракат қилади – яъни қурол-яроғ доим тайёр туриши, юраги мутмайин бўлиши, иймони эса қалбини алангалатиши керак. У, булар ҳам муҳимлиги жиҳатидан амалий ҳаракатдан кам эмаслигини билади.

Чечен мақолида айтилганидек: «Ҳаётингда сенга бор йўғи бир бор асқотадиган қуролни бутун ҳаёт давомида олиб юриш зарур».

Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи васаллам айтганлар: «Улар учун имконингиз борича куч ва эгарланган отларни тайёрлаб қўйингиз. Огоҳ бўлингизким қувват ўқ отишдадир, огоҳ бўлингизким қувват ўқ отишдадир, огоҳ бўлингизким қувват ўқ отишдадир!» (Муслим)

Доимо бирон бир нарса етишмайди. Ва вақт, ўз югуришини тўхтатган дақиқаларда, мужоҳид бу вақтни ўз камчиликларини бутлаб, кейинги жангга яхшироқ тайёргарлик кўриш учун ишлатади.

Ахир биринчи жангнинг ўзида қурол ишдан чиқиши мумкин. Аммо мужоҳиднинг ўзи узоқ муддатга етиши учун, у бор имкониятни қилиши зарур. Шу сабабдан у ўз куч қуввати ва қобилиятлари хусусида алданмайди ва баъзи вазиятлар уни ғафлатда қолдиришига йўл қўймайди. У оламдаги барча нарсанинг қадр-қийматини одилона баҳолайди.

Кўпинча оғир синовларга дуч келганда, шайтон (аълайҳи лаъна)нинг: «Э, бу ҳақда куйинма, бу арзимас нарсадир», деб пичирлаётганини эшитади.

Гоҳида эса аксинча бўлади. Бирон бир арзигулик воқеа бўлмаган вақт шайтон (аълайҳи лаъна): «Бор куч қувватингни

йиғ ва бу вазиятни ҳал қилиш учун бор энергиянгни сарф қил!» деб пичирлайди.

Мужоҳид, шайтон (аълайҳи лаъна)нинг пичирлашига қулоқ солмайди ва Аллоҳни зикр қилиш орқали ором олади.

35. Маъсулият.

Аллоҳ айтади:

وَأَوْفُوا بِالْعَهْدِ إِنَّ الْعَهْدَ كَانَ مَسْئُولًا

«Аҳдга вафо қилинглар! Зеро, аҳд (қиёмат куни) сўраладиган ишдир.» (Исро: 34)

«Маъсулият» сўзининг негизи унинг маъносини тушунтириб беради, яъни жавоб беришга, чақирқиққа ижобат қилишга, амал қилишга қодир бўлишлик.

Маъсулиятни ҳис қилувчи мужоҳид кузатишга ва машқ қилишга қодир эди. Лекин, бундан ташқари, у «бепарволик»ка , яъни ходисаларнинг оқиш жараёнига бўйсуниб, уларга қарши чиқмай, уларга жавоб қайтармай юришга ҳам қодир бўлди.

Аммо у насиҳатлар эшитиб, ўғит олар ва ювошлик ила ёрдамни қабул қиларди.

Мужоҳид Исо (а.с) нинг: «Доим сизларнинг «ҳа» сўзингиз «ҳа», «йўқ» сўзингиз «йўқ» бўлсин!»-деган сўзларини ёдида тутди. Вақтики мужоҳид ўзига бир маъсулиятни юкласа, у сўзининг устидан чиқади.

Шайх Шомил Абу Идрис: Мужоҳид китоби

Умар (р.а) халифа бўлишлари билан, Саид ибн Амр (р.а) у кишининг ёнига келиб: «Эй Умар, мен сенга инсонлар хусусида Аллоҳдан қўрқингани ва Аллоҳ хусусида одамлардан қўрқмаслигини маслаҳат бераман. Ва яна амалларинг гапларингга мувофиқ келсин. Ахир сўзларнинг яхшиси амаллар билан қувватланганларидир.

« Эй Умар! Аллоҳ сенга ишларини топширган узоқ ва яқин бўлган мусулмонларга қара. Ўзингга ва ўз аҳли оилангга нимани хоҳласанг, уларга ҳам шуларни тила. Доимо ва ҳар маҳалда қийинчиликлардан чўчимай, ҳаққа интил ва Аллоҳнинг тоатида маломатчининг маломатидан қўқма!»

Умар (р.а): «Буни ким ҳам қила олади, эй Саид!»,- деб хитоб қилди.

Саид (р.а): «Сен каби, Аллоҳ уни Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи васаллам умматини ишини олиб боришликка тайинлаган инсон қила олади. Ва бу киши билан Аллоҳ ўртасида ҳеч ким йўқ.»- деди.

Ваъда бериб ва бу ваъдалари устидан чиқмаган кишилар, ҳурмат-эътиборларини йўқотадилар ва ўз хатти-ҳаракатларидан уяладилар. Бу кишиларнинг бутун ҳаёти доимий қочқинликка айланади; улар, мужоҳид ўз ваъдасини бажариш учун сарф қилган кучга нисбатан кўпроқ қувватни, аввал айтган сўзларидан воз кечиш учун баҳона топишга сарф қиладилар.

Гоҳида мужоҳид ҳам, ўзига ақлга сиғмас мажбурият олиб, афсус надоматлар остида қолади. Келажакда у бунга ҳеч вақт такрорламайди, лекин барибир ваъдасини бажаришдан ҳеч вақт бўйин товламайди, чунки унинг сўзи эътиборли ва у ўзининг беихтиёр жўшқинлиги учун тўла ҳолда жавоб беради.

Мужоҳидни дунёнинг бутун қийинчилигини ўз елкасига юклаганда маъсулиятли дейилмайди, балки маъсулиятли мужоҳид деб, ҳар дақиқадаги чақириққа жавоб беришга ўрганган кишига айтилади.

36. Нифоқ.

Аллоҳ айтади:

فَرِحَ الْمُخَلَّفُونَ بِمَقْعَدِهِمْ خِلْفَ رَسُولِ اللَّهِ وَكَرِهُوا أَنْ يُجَاهِدُوا
بِأَمْوَالِهِمْ وَأَنْفُسِهِمْ فِي سَبِيلِ اللَّهِ وَقَالُوا لَا تَنْفِرُوا فِي الْحَرِّ قُلْ نَارُ
جَهَنَّمَ أَشَدُّ حَرًّا لَوْ كَانُوا يَفْقَهُونَ ﴿٨١﴾

«(Жангдан сохта узрлар билан) қолганлар Аллоҳнинг расулига хилоф қилиб ўтиришларидан (ўзлари) шод бўлдилар ва молларию жонлари билан Аллоҳ йўлида жиҳод қилишни ёқтирмадилар ва (бошқаларга ҳам): "Иссиқда кўзғалмангиз!" - дейишди. Айтинг: "Агар англаганларида эди, жаҳаннам олови (ундан) иссиқроқдир". (Тавба: 81)

Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи васаллам айтдилар: «Кимки (Аллоҳ йўлида) жанг қилмай ва (бирон марта) ўзига, жиҳод қилиш кераклигини айтмаган бўлса, мунофиқликнинг бир кўринишида ўлибди.»

Мужоҳид, унга ёмонлик истовчи кимсалар билан улфатлашмайди. Худди шу сингари, уни «овутмоқчи» бўлган кимсаларнинг жамоасида ҳам мужоҳидни топмайсиз.

Шайх Шомил Абу Идрис: Мужоҳид китоби

У, мағлубиятга учраган вақтда ёнида пайдо бўладиган инсонлардан ҳам ўзини олиб қочади, чунки бу қалбаки дўстлар унинг заифу-ожизлигидан лаззатланишни истайдилар. Улар фақат нохуш хабарлар келтирадилар. Улар дўстони муносабат орқали ҳеч тўхтамай, мужоҳиднинг ўзига бўлган ишончини йўқотмоқчи бўлишади.

Аллоҳ айтади:

يَا أَيُّهَا الَّذِينَ ءَامَنُوا لِمَ تَقُولُونَ مَا لَا تَفْعَلُونَ ﴿٢﴾ كَبُرَ مَقْتًا عِنْدَ اللَّهِ
أَنْ تَقُولُوا مَا لَا تَفْعَلُونَ ﴿٣﴾

«Эй, иймон келтирганлар, сизлар нега ўзларингиз қилмайдиган нарсани (қиламиз деб) айтурсизлар?! Сизларнинг ўзларингиз қилмайдиган ишни (қиламиз, деб) айтишларингиз, Аллоҳ наздида катта нафрат (боиси)дир». (Соф: 2,3)

Унинг ярадор бўлганини кўриб, улар кўз-ёш тўкадилар, аммо ич-ичларидан мамнунлар, чунки мужоҳид жангни бой берди. Лекин уларга буни, яъни бу, жангнинг бир қисми эканлигини тушунишлик берилмаган.

Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам айтганларидек: «Мунофиқнинг 3 та хислати бор: гапирса ёлғон гапиради, ваъда берса, ваъдасини устидан чиқмайди, омонат топширилса, хиёнат қилади.»

Ҳақиқий дўстлар доим мужоҳид билан биргадирлар-ҳам қийин вақтларда, ҳам бахтли-фаровон дамларда.

37. Эркинлик.

Аллоҳ айтади:

الَّذِينَ آمَنُوا يُقَاتِلُونَ فِي سَبِيلِ اللَّهِ وَالَّذِينَ كَفَرُوا
يُقَاتِلُونَ فِي سَبِيلِ الطَّاغُوتِ فَقَاتِلُوا أَوْلِيَاءَ الشَّيْطَانِ إِنَّ
كَيْدَ الشَّيْطَانِ كَانَ ضَعِيفًا ﴿٧٦﴾

«Иймон келтирганлар Аллоҳ йўлида жанг қиладилар. Кофирлар (эса) Тоғут (шайтон) йўлида жанг қиладилар. (Сизлар) шайтоннинг дўстларига қарши жанг қилинглар! Албатта, шайтоннинг макри заифдир». (Нисо: 76)

Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи васаллам айтдилар: «Аллоҳ йўлида оёқлари чанга беланган бандага жаҳаннам ўти тегмайди.» (Бухорий)

Мужоҳид “эркинлик” сўзининг тузоғига илинмайди. Агар ҳалқ зулму-истибдодда бўлса, эркинлик энг зарурий, муҳим эҳтиёж бўлиб қолади. Мужоҳид қуролни олиб у учун, ўлгунича курашади. Жабр-ситам, истибдод олдида ҳуррият-шундай оддий тушунчаки, у қулликнинг зиддидир.

Лекин баъзан мужоҳид кекса кишилардан: «Мана яқинда ишлашни тўхтатай, анча эркин бўлиб қоламан», деган сўзларни эшитади, аммо пенсиядан бир йил ўтиб, худди шу кишилар: «Ҳаёт бир хил ва жуда ҳам ғамгин»,-деб

Шайх Шомил Абу Идрис: Мужоҳид китоби

нолийдилар. Бу ҳолатда «эркинлик», бошқа нарса, яъни ҳис-туйғунинг йўқлигидир.

Мужоҳид ўзини эркин деб ҳисобламайди. У ўз ҳатти-ҳаракатида эркин, аммо у Меҳрибон ва Раҳмли Аллоҳнинг қулидир.

38. Битим-келишув. Музокаралар.

Аллоҳ айтади:

﴿وَإِنْ جَنَحُوا لِلسَّلَامِ فَاجْنَحْ لَهَا وَتَوَكَّلْ عَلَى اللَّهِ إِنَّهُ

هُوَ السَّمِيعُ الْعَلِيمُ ﴿٦١﴾

«Агар улар сулҳга мойил бўлсалар, Сиз ҳам унга мойил бўлинг ва Аллоҳга таваккул қилинг! Албатта, У эшитувчи ва билувчидир». (Анфол: 61)

Мужоҳид доим ҳам ўзи учун жанг майдонини танлай олмайди. Баъзан уни ғафлатда қолдирадалар ва у, ўзи истамаган жанг арафасига дуч келади, лекин бундай ҳолатларда қочишга ҳаракат қилмайди, зеро биладики-бундай жанглар унинг кетидан ҳар жойда эргашиб юради.

Ва жанг деярли муқаррар бўлганда, мужоҳид ўз рақиби билан музокарага киришади. Қўрқувсиз ва ҳадиксирамай, (ҳайиқмай) сулҳу-тинчликни сўрамай, рақибининг нима сабабдан у билан жанг қилишни хоҳлаб қолганини, уни, ўз уйини ташлаб, у билан олишмоқ учун учрашувни ишташга нима мажбур қилганини билишга ҳаракат қилади. Мужоҳид қуролини яланғочламай рақибини, бу унинг жанги эмаслигига ишонтиради.

Мужоҳид, душманнинг унга айтмоқчи бўлган барча гапини эшитади ва бу билан унинг ҳовурини туширади. Мужоҳид у билан фақат зарур бўлгандагина жанг қилади. Мужоҳид ўзини жангда ҳар сафар ўзгача тутати- асосан агар ҳужм ва чекинишлар бўлмаганда.

Агар жанг ғалабага олиб бормаса ёки мағлубият билан тугамайдиган бўлса, мужоҳид душман билан келишув шартларини кўриб чиқиш кераклигини тушунади.

Икки тараф ҳам етарли миқдорда ўзларининг жанговар маҳоратларини кўрсатдилар, ва энди бир-бирларини тушунишлари керак бўлади.

Мужоҳид ҳеч вақт сулҳ сўрамайди, балки таклиф қилади.

Музокаралар кўрқоқликдан эмас, балки қадр қимматдан далолат қилади. Бу, куч- қувватнинг тенглиги ва стратегияни ўзгартиришдан далолат беради.

Душман ўзи билан қизиқтирувчи, бир гала ваъда, келишув, таклифлар ва икки томонни қониқтирувчи вариантлар билан пайдо бўлади.

Мужоҳид синчковлик билан ҳар бир таклифларни кўриб чиқади, у ҳам келишувга келишни истайди, аммо бунда ўз обрўсини тўкмайди. Агар у ўзини жангдан четга тортса, бу рақибининг сўзларини таъсиридан эмас, балки у буни энг яхши стратегия деб ҳисоблайди.

Мужоҳид душмандан ҳадя, эҳсон қабул қилмайди. Тинчлик музокараларининг режасини ишлаб чиқиб, мужоҳидлар уйларига қайтадилар. Улар ҳеч кимга ҳеч нарсани исботламайдилар- улар ҳақ учун курашдилар, улар динни мустаҳкамладилар. Уларнинг ҳар бири музокара

Шайх Шомил Абу Идрис: Мужоҳид китоби

илмини ўрганишлик ила шариат рухсат этган миқдорда озгина ён босдилар.

39. Эҳтиёткорлик.

Аллоҳ айтади:

وَلَا تَقْفُ مَا لَيْسَ لَكَ بِهِ عِلْمٌ إِنَّ السَّمْعَ وَالْبَصَرَ وَالْفُؤَادَ كُلُّ أُولَئِكَ

كَانَ عَنْهُ مَسْئُولًا ﴿٣٦﴾

«(Эй, инсон), ўзинг (аниқ) билмаган нарсага эргашма! Чунки қулоқ, кўз, дил - буларнинг барчаси тўғрисида (ҳар бир инсон) масъул бўлур (жавоб берур)». (Исро: 36)

Мужоҳид, йўлни биламан деб ўйлайдиганлар билан эҳтиёткордир. Улар ўзларининг ечимларни ҳал қилиш қобилиятларига шунчалик ишонишадики, ҳатто ҳар бирларига нисбатан бўлаётган тақдирнинг киноясини тушунмайдилар ва муқаррар бўладиган ҳодиса эшик қоқса-аччиқланадилар.

Мужоҳиднинг ўз орзулари бор. Улар уни олдинга етаклайди. Аммо у ҳеч вақт йўл енгил, эшик кенг деб ўйлаб хато қилмайди.

Ҳаракат қилиш учун вақт бор, ва шарт шароитларнинг асл ҳолида қабул қилиш учун ҳам вақт мавжуд. Мужоҳид уларнинг фарқини билади.

40. Ҳасад.

Аллоҳ айтади:

قُلْ أَعُوذُ بِرَبِّ الْفَلَقِ ﴿١﴾ مِنْ شَرِّ مَا خَلَقَ ﴿٢﴾ وَمِنْ شَرِّ غَاسِقٍ إِذَا وَقَبَ ﴿٣﴾ وَمِنْ شَرِّ النَّفَّاثَاتِ فِي الْعُقَدِ ﴿٤﴾ وَمِنْ شَرِّ حَاسِدٍ إِذَا حَسَدَ ﴿٥﴾

“(Эй, Муҳаммад,) айтинг: "Паноҳ тилаб илтижо қилурман тонг Парвардигорига, яратган нарсалари ёвузлигидан, зулматга чўмган тун ёвузлигидан, тугунчаларга дам урувчи аёллар ёвузлигидан ҳамда ҳасадчининг ҳасади ёвузлигидан.”(Фалақ: 1-5)

Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам айтдилар: «Бир-бирларингизга ҳасад қилманглар, ўзаро адоватдан воз кечинглар, сўраб-суриштирманглар, нархларни кўтарманглар ва ўзаро ака-ука бўлинглар эй, Аллоҳнинг бандалари.» (Бухорий, Муслим)

